

Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

О‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
7-may
chorshanba
№ 18 (1445)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ЭЪТИРОФ

ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Яқин Шарқ мамлакатларидаги етакчи оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда амалга оширилган кенг қўламли иш-хотларнинг мазмун-моҳияти ва Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ўрта-сидаги муносабатларга бағишланган туркум мақола-ларни эълон қилди.

Хусусан, Саудия Арабистонининг “Al Nahar” газетаси сайтида “Ўзбекистон Президенти Россия ташқи ишлар вазирини қабул қилди” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Самарқанд шаҳрида амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирини Сергей Лавров бошчилигидаги делегацияни қабул қилгани хабар қилинган.

“Суҳбатда Ўзбекистон-Россия дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан янада



мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди”, – деб ёзилган мақолада.

Саудиянинг “Wkka News” газетасида босилган “Ўзбекистон Президенти “ИННОПРОМ” халқаро кўргазмасини бориб кўрди” сарлавҳали мақолада маълум қилинганидек, Президент Шавкат Мирзиёев 28 апрель куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” бешинчи халқаро саноат кўргазмасига ташриф буюрди. “Ўзбекистон раҳбари давра суҳ-

батида иштирок этди. Унда Ўзбекистон-Россия ҳудудлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режаларни такдимот қилдилар”, – деб таъкидланган.

“Watan News” ва “Al Nahar” газеталари БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан Ўрмонзорлаштириш ва ўрмонларни тиклаш декадаси ҳақидаги резолюцияни қабул қилганига доир материалларни эълон қилди. Нашрларда Резолюция Амазондан

кейин дунёдаги иккинчи энг катта тропик ўрмонга эга бўлган Конго Республикаси билан биргаликда илгари сурилгани қайд этилган.

“Хужжат асосини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дас-тури, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳамда “Марказий Осиёнинг “яшил” белбоғи” кўчат экиш акцияси ташкил этади”, – деб ёзган Саудия ОАВ.

Ушбу мамлакатнинг “An Nahar News” газетаси сайтида “Ўзбекистон тарихида илк марта БМТ Статистика Комиссиясига бир овоздан сайланди” сарлавҳали мақола ҳам жойлаштирилди. “Ўзбекистоннинг ушбу орган аъзоси этиб сайланиши мамлакатда Президент раҳбарлигида амалга оширилган кенг қўламли иш-хотларнинг халқаро миқёсда тан олинганлигини ва мамлакатнинг глобал жараёнлардаги ўсиб бораётган ролини кўрсатади”, дейилади нашрда.

“Nabd Al Hadas” газетаси сайтида эълон қилинган “Жиззах – 2025”: узоқ муддатли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш платформаси” сарлавҳали мақолада эса Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги томонидан Зомин туманида ўтказилган бизнес-форум ҳақидаги маълумотлар қаламга олинган.

Шунингдек, “An Nahar News” ва “Arab News” нашрлари Марказий Осиё ва Кўрфаз араб ҳамкорлик кенгаши давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик тарихи, бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ёзди.

“Дунё” АА

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

“OLTIN QALAM”

XIX Миллий мукофоти учун халқаро танлови



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, миллий контентни бойитиш, юртимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида “Oltin qalam” XIX Миллий мукофоти учун халқаро танловини эълон қилади.

АСОСИЙ МУКОФОТЛАР:

1 та Бош миллий мукофот

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

РАДИО ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

БОСМА НАШРЛАР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).

2-6

УНУТМОҚ ОСОНМАС...

Халқимизда “Яхшидан бог қолур” деган аjoyиб нақл бор. Бу инсон дунёдан ўтса-да, унинг эзгу фазилятлари, яхшиликлари унутилмайди, одамлар қалбида яшайди, деганидир.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, шарқшунос олим, моҳир педагог ва дипломат Рустам Собирович Қосимов (1955–2021) халқимизнинг фидойи, жонқуяр, том маънодаги зиёли, маърифатпарвар ўғлони эди.

У киши ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Яқинда бу закий ва донишманд инсоннинг ибратли ҳаёт йўли, самарали ижтимоий ва сиёсий фаолияти, бетакрор фазилятлари ҳақида замондошлари, яқин дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг самимий хотираларидан иборат “Рустам Қосимов замондошлари хотирасида” китоби нашрга тайёрланди.

Қуйида мазкур тўпламдан ўрин олган ёдномалардан бирини ўқишингиз мумкин.



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Мустақиллик йилларида қурбон бўлган ўғлонлар, “Қурбон бўлган” дегим келмас, қўғон бўлган ўғлонлар. Эл тинчию омонлиги, эрк-саодат йўлида, Ватан учун, миллат учун қалқон бўлган ўғлонлар.

Гар Ватанга айланмаса ундай кўнгил кўнгилмас, “Ҳалок бўлган” деган сўзга кўнгиллар ҳеч кўнликмас. “Ҳалок бўлган” дегим келмас, бу ўғлонлар ўлганмас, Шудринг бўлган, шамол бўлган, осмон бўлган ўғлонлар.

Ҳар боласи ҳушёр юртда қораймас ҳеч қуёшлар, Юзларига шом пардасин тортмайин тоғу тошлар. Ота уйда лаганларда қолди сузилган ошлар, Насибаси тирикларга армон бўлган ўғлонлар.

Жаҳолату қабоҳатга тик бордингиз бериб жон, Номингизни ёд айлар ҳар кўча, ҳар бир хиёбон. Саҳарлари самолардан мўлтирайсиз нигорон, Осмонларда зор-интизор Чўлпон бўлган ўғлонлар.

Бировлари чимилдиққа кириб ҳам улгурмаган, Бировлари ёр кўзига тўйиб ҳам термулмаган. Бировлари фарзанд кўриб, ўғил тўйлар қилмаган, Ўз юртига қошу кўзу мижон бўлган ўғлонлар.

Бировингиз – Жалолиддин, Бобурсиз бировингиз, Тирикликдан сўролмасдан ҳали дил сўровингиз. Бурч-садоқат сарҳадида жонингиз – гаровингиз, Бурч йўлида жисму жони ўлпон бўлган ўғлонлар.

Сиз барҳаёт ўғлонларсиз, сиз ҳеч қачон ўлмаган, Ўн саккизга, йигирмага, ўттизга ҳам тўлмаган, Бу ҳаётда ўн гулдан бир гули ҳам сўлмаган, Ному ёди мангу боғу бўстон бўлган ўғлонлар.

Ул “Иккинчи жаҳон...” деган урушда нолам кетган, Менинг беш юз минг лоламу беш юз минг болам кетган. Ҳар бир кетган болам билан бир буюк олам кетган, Кўрғошинзор кўкси рўйи жаҳон бўлган ўғлонлар.

Жоним болам, бу менинг ҳам фарзимдир, ҳам қарзимдир, Айни пайтда фарзандларга мактубим дил арзимдир. Ватан – мангу мактабимдир, менинг мангу дарсимдир, Умри ибрат мактабида ирсон бўлган ўғлонлар.

Шараф бўлсин шундай умр, шундай фидо ҳар жонга, Ватан номи буркангайдир абадий шараф-шонга. Шеърлар айтсам номингиздан Олий Бош кўмондонга, Матонати минг бир шеъру дoston бўлган ўғлонлар.

Хотиранинг ранги мовий – зангор осмон рангидир, Ватан учун жон берганлар қадри доим шонлидир. Она Ватан байроғида ой, юлдузлар мангудир, Мана шундай порлоқ давру даврон бўлган ўғлонлар.

Сирожидин САЙИД,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон халқ шоири

“Халқ сўзи” газетасининг
2025 йил 6 май, 91-сонидан олинди.

ТУНГИ ҚҮНҒИРОК



2011 йили Тошкентдаги олий таълим муассасаларининг биридан “прописка” муаммоси сабаб бўшатирилди. Қишлоғимга бориб, уч-тўрт ой яшаб, яна Тошкентга азиямга қайтишга мажбур бўлдим (турмуш ўртоғим ўша вақтда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида аспирантурада ўқир эди). Келиб, иш қидиришга тушдим. Яхши инсонларнинг маслаҳати ва кўмаги билан “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашига аввал икки ой волонтер сифатида, кейинчалик 0,5 ставка бош мутахассисликка қабул қилиндим.

2012 йил январь ойининг қайсидир куни раҳбаримиз ҳузурига чақириб, “Биринчи қаватда штаб

ташқил қилинган, ўша ерда хат-ҳужжатга қарашиб, ёрдам бериб турасиз”, деди. Тошпириқни бажаришга киришдим. Марказий кенгашнинг биринчи қаватида бир раис ўринбосарининг хонаси штаб қилинган экан. Кирдим. Жуда кўпчилик ишлаб ўтирибди. Улар ишчи гуруҳ аъзолари экан.

Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли баёни асосида ташқил этилган Республика мониторинг гуруҳининг рўйхатида кўзим тушди. Таниш фамилия: “Р.С. Қосимов — Республика мониторинг гуруҳи раҳбари”. Очиғи, бироз ҳадик пайдо бўлди.

3-6

“OLTIN QALAM”

XIX Миллий мукофоти учун халқаро танлови

1-6 Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, радио, босма ва интернет нашрлари йўналишлари бўйича).

Шунингдек, 12 та рағбатлантирувчи номинация жорий этилади. Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари бўйича қўшимча эълон берилади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИГА:

Танлов Бosh миллий мукофоти соҳибига махсус диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва енгил автомобиль тантанали равишда топширилади.

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдориди пул мукофоти билан;

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 175 баробари миқдориди пул мукофоти билан;

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 150 баробари миқдориди пул мукофоти билан;

Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 100 баробари миқдориди пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир иштирокчининг 2024 йил 30 апрелдан 2025 йил 30 апрелгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллари қўриб чиқилади. Агар ижодий жамоа – газета таҳририяти танловда қатнашадиган бўлса, газетанинг 5 тадан 7 тагача сонини, теле ёки радиоканал жамоаси танловда иштирок этадиган бўлса, 5 тадан 7 тагача энг яхши кўрсатув ёки энг яхши эшиттиришнинг электрон варианты (ёхуд ҳаволаси) илова қилинади.

“2024 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” рағбатлантирувчи номинацияси бўйича танловда қатнашиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир дона тақдим этади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилинади:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқа маълумот (объективка);
- муаллифнинг паспорт ёки ID-карта нусхаси, телефон рақами.

Жамоавий иштирок этувчи ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси ва ташкилот раҳбарининг паспорт ёки ID-карта нусхаси.

Танловга ижодий ишлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг худудий бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари орқали, шунингдек, муаллифлардан тўғридан-тўғри электрон шаклда танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йилнинг 25 майга қадар қабул қилинади.

Матбуот йўналиши бўйича ижодий ишлар газета ёки журналда эълон қилинган материалларнинг нусхаси (pdf форматда);

Интернет нашрлари бўйича материалларнинг ҳаволаси (линк, ссылкас) бўйсатилган ҳолда;

телевидение бўйича видеоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқачага телеграм форматда (аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан);

радио йўналиши бўйича аудиоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқачага, аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан);

Рағбатлантирувчи номинация – фотожурналистика бўйича ижодий ишлар (JPEG, TIFF ва PNG форматда аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан)

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг 99-466-10-25 рақамига очилган (O‘zbekiston Jurnalistlar uyushmasi) телеерамига юборилиши сўралади.

Бу йилдан бошлаб “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлови 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрамига бағишлаб ташкил этилади.

Танлов ғолиблари ушбу сана муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида тантанали равишда тақдирланади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(71) 244-37-87, (71) 244-64-62.

АХВОЛ

ЎЗИМИЗ АЙБДОР...

Дунёда тараққий этган давлатларда фан-техника ривож, ижтимоий тартиб-қоидалар, аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги такомиллашиб бориши билан бир қаторда миллий тилнинг мамлакат ҳудудидаги амал қилиш даражасига катта эътибор қаратилган. Бизда ҳам аини мана шундай йўл туттишимизга эҳтиёж бор. Афсуски, биз тилимизни, имломизни на сўзлашувда, на ёзишда ҳурмат қилишни жойига қўя олаётимиз. Ҳатто ботчалардан тортиб, мактаблар, олий таълим муассасаларида сўзлашувдаги “кўча сўзлари” ҳеч бир муносибатга ишлатилмади. Ўрта-мизга келган сайёҳлар кўчаларимиздаги пешлавҳалардаги ажнабий ёзувлардан, пала-партиш ва хато ёзилган матнлардан ҳайратда бўлсалар, ажаб эмас!

Шундай экан, она тилимизга ҳурмат билан қараш, уни эъзозлаш, аввало, ўзимиздан бошланиши керак. Ана шундангина бошқалар ҳам ўзбек тилига, давлат тилига муносабатларини ўзгартиришган бўлишармиди?

Тунов куни “Юксалиш” ҳаракати қабулхонасига кўнғироқ қилдик. Ассалому алайкум, деган саломимизга у ерда гўшакни кўтарган қиз:

— Алло, здравствуйте, — деб жавоб берди.

— Кечирасиз, ўзбекча сўзлаша оласизми? — дедик. У:

— Ҳа, бемалол, — деб жавоб қайтарди.

Қаранг, ўзбек қизи экан. Лекин ҳатто саломлашишда ҳам хорижий тилда мулоқотга киришишга ўрганиб қолишган.

“Юксалиш” ҳаракатининг қабулхонасида тилга, давлат тилига муносабат шундай бўлган, биз на қилайлик?!



Сўнгра: “Она тилимизга муносабат бошқа жойларда қандай экан?” деб яна бир қанча идораларга кўнғироқ қилиб кўрдик.

Фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган, ҳамма ҳам боғланиб сўзлашиши мумкин бўлган соҳа сифатида банк соҳасини танладик. Миллий банк матбуот хизмати билан боғлансак, у ерда ҳам бизнинг ўзбекча саломимизга:

— Здравствуйте, — деб жавоб қайтарди...

Бу бир банк, эҳтимол, гўшакни ҳали ўзбек тилини билмайдиган бирор янги ходим кўтаргандир дея яхши гумонда бўлдик. Лекин банк номида “Миллий” атамаси борлигини ўйласак...

Шундан кейин Давлат хизматлари маркази, Марказий банк каби бир қанча идораларга ҳам сим қоқиб кўрдик. Уларда ҳам шу ахвол: салом-алик рус тилида бошланди...

Ахволимиз... Аслида бу нарсаларга ўзимиз айбдормиз.

Ўртимизда давлат тили ўзбек тили эканлиги қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Аммо биз кўп миллатли ва багрикенг халқимиз. Шу боис бошқа тилларда, жумладан, “рус тилида гапириш,

сўзлашиш, саломлашиш мумкин эмас” деган фикрни илгари сурмоқчи эмасмиз. Лекин давлат идораларида ҳеч бўлмаганда оддий саломлашиш маданиятини, аввало, ўзбек тилида, давлат тилида кенгроқ қўллаб билишимиз жоиз демоқчимиз, холос. Ахир юртимиз Ўзбекистон дея аталур!

Қўйинки, “Ассалому алайкум, эшитаман сизни”, дегандан сўнг, мурожаатга қараб, бошқа тилда ҳам салом берилса, ҳар томонлама тўғри бўлмайdimи?

Ўйлаб кўринг, нима учун одамлар қайси юртга боришса, аввало, ўша ернинг 4-5 та энг муҳим сўзларини ўрганиб олишади? Жумладан, саломлашиши. Бизда эса 40-50 йилдан буён шу юртнинг нони-тузини еб, ҳавосидан баҳраманд бўлиб яшаётганларнинг баъзилари ҳатто биргина “Ассалому алайкум” дейилса, “Ва алайкум ас-салом” деб алик олишга оғринади. Шу ҳам инсофданми?!

“Hurriyat” давлат тилига оид қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлар ижроси ҳолати юзасидан шу каби ижтимоий ўрганишларни келгусида яна давом эттиради.

Гулнора ШЕРМАТОВА,
журналист.

А В Р

МУНОСАБАТ

ТАРАҚҚИЁТ, ИННОВАЦИЯ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Шу йилнинг 1-2 май кунлари Президентимизнинг Хоразм вилоятига қилган навбатдаги ташрифидан кейинги ўйлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳалар ва маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар билан танишиш, янги объект ва лойиҳаларни ишга тушириш, шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш мақсадида Хоразм вилоятига ташрифи хоразмликлар учун унутилмас тарихий кун ҳисобланади.

Боиси кейинги йилларда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган жамикки ислохотлар инсон ва унинг кадр-қиммати учун хизмат қилаётганини бугун барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, англаб, ҳис қилмоқдамиз.

Биргина Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида унинг ҳар бир ҳудудида янгиликлар, бунёдкорликлар ва ривожланишни кўриш мумкин. Мамлакатимизда инсон қадри улуғлангани сари вилоят аҳлининг ўз турмушидан розилиги ошмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳар сафар Хоразмга ташрифи давомида белгилаб берган топшириқлари асосида амалга оширилаётган ишлар қадимий ва навқирон Хоразмнинг янги қиёфасини шакллантирмоқда.

Хоразмга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги ташрифи шу йилнинг 1-2 май кунлари бўлиб ўтди.

Ушбу ташрифнинг асосий мақсади вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, янги ривожланиш истиқболларини белгилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдан иборат эди. Президентнинг ташрифи давомида бир қатор муҳим ташаббуслар қўриб чиқилди, янги лойиҳаларни бошлашга доир кўрсатмалар берилди ва вилоятни янада ривожлантириш йўлида зарур чора-тадбирлар белгиланди. Ташрифда вилоятнинг иқтисодий ривожланиши, туризм салоҳияти, қишлоқ ҳўжалиги, sanoatни модернизация қилиш масалалари эътибор марказида бўлди. Шунингдек, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди, чунки таълим — замонавий ривожланишнинг асоси ҳисобланади.

Президент ташрифининг дастлабки қисми Хоразмнинг авиакатнови соҳасига бағишланди. Маълумки, Урганч халқаро аэропорти янги лойиҳа доирасида модернизация қилинмоқда. Бу лойиҳа нафақат вилоятнинг иқтисодий ўсмишига, балки туризм соҳасининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади. Янги лойиҳа аэропортнинг қувватини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун зарур бўлган барча инфрату-

зилма шарт-шароитларини яратади. Президент бу лойиҳанинг аҳамиятини таъкидлаб, лойиҳани амалга оширишда халқаро тажриба ва юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатларига таяниш зарурлигини қайд этди.

Бундан ташқари, Урганч халқаро аэропорти яқинида жойлашган Ал-Хоразмий шаҳарчасининг қурилиши ҳам Президент ташрифида алоҳида ўринда турди. Ушбу шаҳарча 130 гектар майдонда қурилмоқда ва вилоятга келган меҳмонлар учун гўзал бир маскан бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда. Шаҳарчининг марказида ал-Хоразмий бобомизнинг ҳайкали ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, бу нафақат Хоразмнинг илм-фан ва маданиятга бўлган эътиборини акс эттиради, балки вилоятга ташриф буюрган туристлар учун мазмунли ва тарихий манзара яратади. Президент ушбу ҳайкални нафақат бунёдкорлик, балки маъно жиҳатидан ҳам янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади ва шаҳарчада ишбиллиқни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида sanoatни ривожлантиришга доир кўплаб янгиликлар қўриб чиқилди. Хонқа туманида янги мебелсозлик sanoat зонасининг ташкил этилиши вилоятнинг sanoat салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу sanoat зонаси Хоразм вилоятида янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш имкониятларини яратиш мақсадида ташкил этилган. Президент ташриф давомида устaxonаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан танишди, маҳсулотлар сифатини ва дизайнни юқори баҳолади. Ўртобошимиз бу соҳани янада ривожлантириш учун янги буюртмаларни шакллантириш, янги турдаги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Хоразм вилоятида қишлоқ ҳўжалиги ва фермерлиқни ривожлантиришга доир муҳим ташаббуслар ҳам амалга оширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Хонқа туманидаги “Собиρχон Юсуф” оилавий фермер ҳўжалигида бўлиб, бу соҳадаги фаолиятни юқори баҳолади. Фермер Ойимжон Отажонов ва билан мулоқотда унинг меҳнатсеварлиги, инновацион ёндашуви ва ёш авлодга бўлган масъулиятини таъкидлади. Ойимжон Отажонов ўзининг меҳнати ва хизматлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими” унвони билан тақдирланди. Бу каби рағбатлантиришлар фермерлиқни ривожлантиришга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни оширишга ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи давомида таълим соҳасига бўлган эътибор алоҳида таъкидланди. Хоразм вилоятида таълимни янада ривожланти-

риш, ёш авлодга замонавий билимлар бериш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш бўйича бир қатор ташаббуслар қўриб чиқилди. Президент, айниқса, вилоятдаги мактаблар ва олий таълим муассасаларини замонавийлаштириш, ўқувчиларга юқори сифатли таълим беришнинг аҳамиятини таъкидлади. Шунингдек, таълим муассасаларида янги ўқув технологияларини жорий этиш, юқори малакали педагогларни тайёрлаш, илмий изланишларни рағбатлантириш ва ёшларни ижтимоий фаолиятга жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

Ёшларнинг илм-фан ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва уларни халқаро миқёсда юқори малакали мутахассислар сифатида тайёрлаш учун янги имкониятлар яратиш мақсадида Хоразмда 2025-2026 ўқув йилидан фаолият бошлайдиган Ал-Хоразмий университети ташкил этилади. У сунъий интеллект, аэрокосмик муҳандислик, математика ва информатика бўйича таълим беради. Дарслар ўзбек ва инглиз тилларида, кредит-модуль тизимида олиб борилади.

Университетда 3 та: математика ва информатика факультети, аэрокосмик технологиялар муҳандислиги факультети ҳамда сунъий интеллект факультети бўлади. Уларда иқтисодиёт, ахборот технологиялари, sanoat, хавфсизлик, энергетика ва экология каби соҳалар учун мутахассислар тайёрланади. Дарслар ўзбек ва инглиз тилларида, кредит-модуль тизими асосида олиб борилади. Қабулни 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб режалаштирилган. Жами талабалар сони 4–6 минг атрофида бўлиши кўзда тутилган. Давлат раҳбари университет ҳудуди нафақат таълим, балки Хоразмнинг тарихий-илмий ва туризм салоҳияти билан уйғун мажмуа бўлиши кераклигини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Ал-Хоразмий шаҳарчаси ҳудудида Тошкентдаги Муҳаммад ал-Хоразмий мактабининг филиали ҳам ташкил этиладиган бўлди. Унга 4-синф битирувчилари танлаб олинади. Таълимнинг яқунловчи 2 йили муҳандисликка бошлангич тайёргарликка қаратилади. Яъни, ихтисослаштирилган мактабнинг муҳандислик таълим дастурлари Ал-Хоразмий университети бакалаврият таълим дастурлари билан ўзаро интеграция қилинади. Муҳандислик таълим дастурларини лозим даражада ўзлаштирган битирувчиларга ўз ўқишини ушбу университетнинг тегишли бакалаврият таълим йўналишида 2-босқичдан давом эттириш имкони яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ташаббуслари таълим соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади ва ёшларни замонавий билимлар билан таъминлаш, уларнинг келажаги учун мустаҳкам асос яратади.

Хоразм вилоятининг туризм сало-



ҳияти ҳам Президент ташрифида алоҳида эътиборга олинди. Хива шаҳрида очилган “Арда Хива” халқаро туризм маркази вилоятнинг туризм инфратузилмасини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу мажмуа, тарихий Хива шаҳрининг қадимий ва замонавий архитектурасини уйғунлаштирган ноёб лойиҳа бўлиб, туризм соҳасида катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев мажмуа бўйлаб юриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди, ҳунармандчилик, бадий ва амалий санъат кўргазмаларини томоша қилди. “Арда Хива” мажмуаси, Хива шаҳрининг ўзига хос тарихини ва маданиятини сақлаган ҳолда, вилоятни дунёга танитишга ёрдам беради.

Шунингдек, Президентимиз ёшлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ўқишдаги муваффақиятлари, орзу-интилишлари ҳақида фикр алмашди. Ўртобошимиз ёшларнинг илм-фан, санъат ва туризм соҳасида фаолият юритишларини рағбатлантирди ва келажақда улар учун янги имкониятларни яратиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши йўлидаги катта қадами англатди. Янги лойиҳалар, инновацион ёндашувлар, меҳнатсеварлик ва ёш авлодга бўлган эътибор, Хоразмни дунёдаги энг гўзал ва обод ҳудудга айлантиришга хизмат қилади. Ушбу ташриф вилоятнинг ривожланишига янги туртки бўлиб, аҳоли фаровонлигини оширишга, илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Таълимга эътибор бериш орқали эса, Хоразмнинг келажақдаги юксалиши учун мустаҳкам пойдевор яратилиб, ёш авлоднинг дунё сахнасида муваффақиятли фаолият юритишларига замин яратилди.

Бу ташриф, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг барча вилоятларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига илҳом манбаи бўлади.

Сардор ХОДЖАНИЯЗОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Урганч давлат университети
ректори в.в.б.,
педгогика фанлари доктори, профессор.

ХОТИРА

ЯХШИДАН ЭЗГУ НОМ ҚОЛАДИ

Иккинчи ҳаҳон урушининг ғалаба билан тугаганлигига 80 йил бўлса-да, инсоният бошига тушган энг қонли уруш саналган бу тўқнашувнинг асорати ҳали-ҳамон унутилгани йўқ.

Ўзбекистон халқи жанг майдонларида, фронт ортида жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Урушда 1 миллион 950 мингдан ортиқ ўзбекистонликларнинг 538 мингдан кўпроғи ҳалок бўлди, 158 мингдан ортиғи бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёда нагирон бўлиб қайтди. Кўплаб ҳаётлрларимиз эса қўкси тўла орден ва медаллар билан она юртимизга қайтиб келиб, тинч меҳнат билан шуғулландилар.

Иброҳим Одилов меҳнат фаолиятини 1930 йилда Каттакўрғон ёғ-мой комбинатида маданий-оқартув ишлари бўйича мудир вазифасида бошлаган. 1937-1939 йилларда шаҳардаги муаллимлар тайёрлаш билим юртида таҳсил олиш баробарида Каттакўрғон халқ маорифи бўлимида услубият хонаси мудирилиги вазифасини ҳам бажарди.

У Иккинчи ҳаҳон урушининг энг қизгин палласи кечаётган 1943 йилда фронтга жўнайди. Лейтенант Иброҳим Одилов взвод командири вазифасида Болтиқбўйи мамлакатларининг қатор шаҳарлари ва аҳоли пунктларини, Польша пойтахти Варшавани душмандан озод қилишда қатнашади. Германия шаҳарларини эгаллашда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатгани учун “Қизил юлдуз”, 1 даражали “Улуг ватан уруши” орденлари ва бошқа жанговар медаллар билан тақдирланади.

Уруш тугагач, ўзи таълим олган Каттакўрғондаги педагогика билим юртида география фанидан дарс беради. 1947 йилда эса рутубатли уруш йиллари ва кейинги йилларда банкда кассир вазифасида ишлаб, ука ва сингилларига мустаҳкам таянч бўлган Розахон билан турмуш қурди.

“Халқ маорифи аълочиси” Иброҳим Одилов туман халқ маорифи бўлими мудир, туман ижроия



қўмитаси раиси лавозимларида ҳам самарали меҳнат қилди.

Иброҳим ота ва Розахон ая чорак аср бирга яшаб, қўша қариб, ўн нафар фарзанд кўрдилар. Розахон болалар богчасига мудиралик қилди. Маҳалладошлари ташвиш-ғамлари қўйда жон чеккан онахон ҳамшаҳарлари ўртасида алоҳида ҳурмат қозонди.

Яхшидан бог қолар экан. Эзгу ном қолар экан. Ўн нафар фарзандларини ўнлаб набираларини тарбиялаб, ўқитиб, улайитириб элга қўшган Иброҳим ота ва Розахон ая оламдан ўтиб кетган бўлса-да, зурриётлари уларнинг ишларини давом эттиришмоқда.

Ҳамидулло ХУШВАҚТОВ



Хар ҳолда, Бош вазир ўринбосари бўлган, қаттиққўлиги билан танилган одамнинг олдида ишлаш эмас, туришнинг ўзи ҳаяжонли эди мен учун.

Биринчи кун кўришмадик. Лекин эртасига эрталаб штаб йиғилиши бўлишини айтиб қолишди. “Қосимов ўтказар экан”, деган миш-мишдан хабар топдим. Мен ҳам йиғилишга кирдим. Давранинг тўридаги жой бўш эди. Бу жойга Рустам Собирович келиб ўтирдилар. Даврада ўтирганларга бирма-бир қараб чиқдилар. Сўнгра менга қараб: “Уэр, сиз ким бўласиз?” дедилар. Ўзимни таништирдим. Мезбон бўлганим боис штабдаги ташкилий-маиший (канцелярия моллари билан таъминлаш, компьютер ва принтерларни созлатиш ва бошқа) масалаларга қараб туриш бўйича вазифа юкланди.

Кейинчалик менга юкланган вазифадан ташқари қўшимча хат-ҳужжатларга ёрдам бериб туришга ҳам жалб этилдим. Шунда ўзим кутмаган ажойиб ҳолатларга гувоҳ бўлдим. Мен ишлаб ўтирган вақтда Рустам Собирович турли ташкилотлардан келган раҳбар-ҳодимлар билан суҳбатлашиб турарди. Дом уларга қизиқроқ гап гапирмоқчи бўлсалар, биз каби ёш ва оддий ҳодимларни ҳам қақчириб олиб, даврани кенгайтириб, кейин гапирар эдилар. Бу мени, бир томондан, ҳаяжонлантирса, иккинчи томондан, катта мотивация берар эди.

Рустам Собировичдаги салобат, тadbиркорлик, ҳозиржавоблик, зукколик, маданият, қатъиятлилиги ва принципиалликка қойил қолардим. Масалан, бир кун штаб фаолияти ҳақида ҳисобот қилиш керак бўлиб қолди. Соат кечки 8-9 лар атрофида топшириқ бераптилар: “Маълумот эрталаб соат саккизда қўлимда бўлиши керак. Кечаси соат нечада тамомлашингиздан қатъи назар, менга кўнгироқ қилиб айтиб қўйинглар!”

Вазифа тунги соат 03.30 да тайёр бўлди. Тасаввур қилинг, бу киш вақтида ярим тун. Ана шу вақтда раҳбар одамга эмас, оддий фуқарога телефон қилиш — ҳам одбосизлик, ҳам ноқулай бўлган иш. Лекин мен топшириқ олганман. Бажармасан, нима бўлишини тасаввур ҳам этолмайман, билмайман ҳам. Таваккал телефон қилдим. Иккинчи гудок чала қолди. Жавоб бўлди: “Алло, да!”

— Ассалому алайкум, Рустам Собирович, узр, беговта қилдим, — дедим ўзимни дадил тутиб.

ТУНГИ ҚЎНҒИРОҚ

— Ва алайкум ассалом, ҳа, болам? — дедилар домла.

— Ҳисоботни яқунлаб айтиб қўй, деган эдингиз. Тугатгандим, шуни айтай деб телефон қилияпман.

— Яхши. Икки нусха қозога чиқариб, дам олаверинглар. Эрталаб соат саккизда менга берасизлар.

— Ҳўп бўлади, тушунарли, — дедим-у анча енгил тортдим.

Уша кеча уйга кетмадик. Эрталаб соат 7.50 да штабга Рустам Собирович кириб келдилар ва саломлашгандан кейин, “Беринг ҳисоботни” деб қўл узатдилар. Ҳайратда қолдим. Айтилган вақтдан 10 дақиқа олдин етиб келган эдилар.

Ана шу танишув сабабли штаб раҳбари — педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуროновга шогирд тушдим. Устозимиз мени ўзларига ёрдамчи қилиб олдилар ва Рустам Собирович билан борадиган хизмат сафарларига олиб кетадиган бўлдилар. Шу-шу, Қосимов домла билан тез-тез кўришадиган, айрим вазифа ва топшириқларни биргаликда бажарадиган бўлиб қолдик.

Қачон қўришсак, домла илмий иш қилишга ундар, ёрдам беришга тайёр эканини айтар эди. Тан олишим керак, Рустам Собировичдан ҳаётда ҳам, давлат ишини ташкиллаштириш ҳамда турли маросим ва йиғилишларни ўтказишда ҳам жуда кўп нарса ўрганганман.

Ҳудудларга катта-катта давлат тadbирларига тайёргарлик қўриш учун бирга борар эдик. Ана шу жараёнда одамларни тинглаш, улар билан муомала ва мулоқот қилиш маданиятини ўрганар эдик.

Рустам Собирович жонқуяр ва фидойи, шу билан бирга, савоҳатпеша инсон эканликлари кўп бор кузатганман.

Масалан, баъзан тушлик ёки йўл қаҳига ҳам пулим тугаб, ноқулай вазиятларга тушиб қолардим. Лекин бу ҳақда бирор марта ҳеч кимга нотимаганман. Шундай бўлса ҳам, устозимиз

сезиб юрар эканлар. Мониторинг гуруҳининг ҳудудларга чиқиб кетиши олдидан тайёргарлик бўлаётган кунларнинг бирида кечаси билан 14 та ҳудуд бўйича алоҳида-алоҳида маълумот тайёрлаб, тонгда топширдик.

Шунда Рустам Собирович қўлимизга пул тутқаздилар. Уша вақтда ойлигимнинг ярми эди у пул. Олишга тортиндим. “Олавергин, бошқа иш бор, айтаман”, деб кўндирдилар. Ушанда кичкина бир ишимга берилган бу рағбат учун жуда хурсанд бўлган эдим. Бундай ҳолатлар эса кўп бўлган.

Кейинчалик устоз билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида (ҳозирги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги) қисқа муддат бўлса-да, бир жамоада ишлаш бахти насиб этди. Бу даврда ҳам тартиб-интизомга риоя қилишни, илмий жамоалар ва талабалар билан иш олиб бориш масъулиятини ўргандим.

Рустам Собирович ҳеч қайси муаммога бировники деб қарамас эди. Қайси соҳада ва кимга тегишли бўлмасин, уни ҳал қилиш учун жон куйдирар, жўяли маслаҳати ва қўлидан келган амалий ёрдамини аямас эди. Ходимларга топшириқ берганда ҳам “Менинг ишим йўқ, қандай қилсанг ҳам бажарасан!” қабилида эмас, балки масаланинг аниқ ечимини кўрсатиб беришга интилар эди.

Раҳбарлик ваколатидан фойдаланиб, ҳодимларни ўз олдига, хонасига қақчириши мумкин бўлса-да, уларнинг вақтини ўғирламаслик ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ходимнинг хонасига кириб, ҳол-аҳвол сўраб, топшириқ бериб кетар эди.

Домла исрофгарчиликни, ортиқча харажати сира ёқтирмасди. Бир кун топширигига кўра маъруза тайёрлаб, қоралама нусхасини кўрсатиб олиш учун оппоқ қозога чиқариб, олдларига олиб кирдим. Роса гап эшитдим. Қозони кўрсатиб, “Бу нима?” дедилар. “Маърузангиз, устоз”, дедим. “Мен орқасини кўрса-

таяпман”, дедилар. Тушунмасдан, жим турдим. “Шуни бирор-бир ишлатилган қозонинг орқасига чиқарсанг бўлмасмиди?! Ахир бу қоралама-ку! Давлатнинг пулига келган экан, деб ишлатиб, исроф қилиш керакми, болам?” деб танбех бердилар. Шундан кейин бирор марта тоза қозони беҳуда ишлатмайдиган бўлдим.

Пандемия эълон қилинган куннинг эртасига талабаларни ўз уйларига — вилоятларга юбориш бўйича транспорт қидириб, автобус излаб роса қийналдик. У вақтда Рустам Собирович вазир эмас, балки бошқа идорада ва бошқа лавозимда эди. Телефон қилиб, талабаларни қаердан кузатаётганимизни сўрадилар ва етиб келдилар.

Вазиятни қўриб, бирданига турли ташкилотларга, транспорт бериши мумкин бўлган жойларга қўнгироқ қилиб, автобус ва микроавтобусларни сўрадилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай, муаммоларимиз ечим топди ва хурсанд бўлиб қолдик. Қолаверса, қанчадан-қанча талабанинг манзилига, ота-онаси бағрига соғ-омон, бепул етиб олишини таъминлаб, савобга ҳам эга бўлдилар.

Раҳматли устозимиз маънавиятни, адабиётни, шоир ва ёзувчилар, умуман, зиёлиларни яхши кўрар, имкон борича уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилар эдилар. Мен тарбия бўйича илмий иш қилаётганимни айтганимда ҳам кўпдан-кўп тақлифлар билдирдилар. Ҳатто баъзи тарбияшунос, адабиётшунос ва тарихчи олимларни ҳурмат билан бир пиёла чойга тақлиф этиб, уларнинг суҳбатини тинглаб туришларини ўзлари менга ибрат тариқасида сўзлаб берган эдилар.

“Илмий, маънавиятли одамлар билан суҳбатлашиб турсангиз, билим ва тажрибангиз зиёда бўлади”, дердилар машҳур ҳадисга ишора қилиб.

Тарбиявий ишлар бўйича жуда кўп мунозаралар уюштириб, ўзларига маъқул бўлган ҳар қандай инновацион усулларни оммалашти-

ришга интилар эдилар. Маънавий-маърифий ишларга масъул бўлган ҳодимларни доимо изланишга, янгилик ва ташаббускорликка қорлар, уларнинг муаммосини ечиб, ишини юргизиб юборишга чин дилдан ҳаракат қилар эдилар.

2016 йилнинг охирларида олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш мақсадида жуда катта гуруҳ тузилиб, турли йўналишларда кичик гуруҳлар ташкил этилди.

Уларнинг бирига камина котиб сифатида қиритилган эдим.

Ишимиз яқунланиб, тақлифларимизни олиб кирдик. Ушанда факультетларда маънавий-маърифий ишлар жамоатчилиги асосида олиб борилаётгани, бу эса қўтилган натижани бераётгани аниқланди.

Шу муносабат билан тайёрланган ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасида уч-тўрт марта масъул раҳбарлар иштирокида жиддий муҳокама қилинди. Иқтисодчилар ва молиячилар томонидан қаршиликларга учради. Аммо ҳар сафар Рустам Собирович қатъий туриб, масаланинг молиявий жиҳати эмас, эртанги кундаги ижтимоий-маънавий самараси муҳимроқ эканини тушунтириб, ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишига эришдилар.

Натижада олий билимгоҳлардаги маънавият учун масъул ҳодимларнинг ойлик маошлари оширилиб, психолог ва тарбиячи-педагог лавозимлари ҳам жорий этилди.

Мухтасар айтганда, давлат хизматчиси бўлиш, масъулият ва фидойилик билан ишлаш, ҳар қандай ишни виждонан бажариш, барча вазифаларни мамлакатнинг истиқболи учун оз бўлса-да ҳисса қўшишдек эзгу мақсад билан амалга ошириш зарурлигини Рустам Собирович Қосимовдан ўрганганман, десам, хато қилмаган бўламан.

Шу маънода, устознинг олдида доимо қарздорлик ҳиссини туяман. Яқинда Худонинг инояти ўлароқ, ота-онам муборак Ҳаж зиёратига бориб-келиш бахтига муяссар бўлишди.

Шунда улардан муқаддас масканда туриб раҳматли устозим Рустам аканинг ҳақларига дуо қилишларини илтимос қилдим.

Рухингиз шод, охиратингиз обод, жойингиз жаннатда бўлсин, азиз устоз!

Отабек БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори.

ТАЪЛИМ

Олий таълим соҳасидаги халқаро алоқаларнинг мақсади талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун имкониятларни кенгайтириш, хорижий мамлакатлар университетлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро тажриба ва ресурслар алмашинуви орқали таълим сифатини ошириш, глобал дунёқарашга эга мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Бундай алоқалар таълим жараёнини халқаролаштириш, маданий алмашинув ва халқаро муҳитда ишлаш учун зарур бўлган компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Анджон давлат университети фаолиятида халқаро ҳамкорлиқни яхшилашга, кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу таълим сифатини сезиларли даражада ошириш, инновацион тадқиқот ва таълим усулларидан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш академик алоқаларни мустаҳкамлаб, хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчилар сонини оширмоқда. Университетимизнинг таълим бозоридаги рақобатбардошлиги ва жаҳон миқёсида ўз брендини тарғиб қилишга ёрдам бермоқда.

Хорижий ҳамкор университетлар билан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, шубҳасиз, хорижий грантларни жалб этиш ва натижаларни нуфузли халқаро журналларда чоп этиш учун янги имкониятларни очади. Турли мамлакатлардан келган талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги маданий алмашинув таълим тажрибасини бойитади ва баргикенглик ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантиради. Бундай ҳамкорлик Андижон давлат университетида глобал муаммоларга мослаштишга ва талабаларни замонавий дунёнинг ўзгаришларига таъйёрлашга ёрдам бераётганлиги яққол сезилапти. Умумий қилиб айтганда, халқаро ҳамкорлик университети учун таълимни модернизация қилиш, илмий ривожланиш ва жаҳон таълим маконига интеграциялашув жараёнида муҳим роль ўйнамоқда.

Таълим муассасаларини ривожлантиришнинг муҳим босқичи халқаро ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади. Шу ўринда Андижон давлат университети ҳам жаҳон таълим маконига ўз мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган “2025-2030 йилларга мўлжалланган халқаролаштириш стратегияси”ни ишлаб чиқди. Ушбу стратегия университетнинг жаҳон таълим маконидagi мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган асосий мақсад ва вазифаларни белгилайди.

Таъкидланганидек, замонавий шaroитда миллий олий таълим тизимлари глобал жараёнлар ва тенденциялардан, жаҳон меҳнат бозори талабларидан ташқарида ривожлана олмаслиги тобора аён бўлмоқда. Шу муносабат билан таълимни жаҳон стандартларига мослаштириш давлатнинг мақсадли сиёсатиға айланиб бормоқда.

Университетнинг миссияси — соҳадаги етакчи олий таълим муассасаси сифатида инновацион ғояларни яратиш, шакллантириш ва амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт, педагогика, ахборот технологиялари, экология, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар каби турли йўналишларда рақобатбардош илм-фанни талаб қилувчи махсуслотларни яратишга қодир олий маълумотли мутахассислар ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга қаратилган ўқув ва илмий-тадқиқот фо-



лиятини амалга оширишдан иборат.

Анджон давлат университетининг “Халқаролаштириш стратегияси”га мувофиқ, асосий мақсадларимиздан бири дунёнинг етакчи университетлари ва илмий марказлари билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдан иборат. Бу нафақат тажриба ва билим алмашиш, балки қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради, бу эса университетдаги илмий тадқиқотлар даражасини сезиларли даражада оширади. Ушбу мақсад доирасида университет халқаро конференция, семинар ва форумларда фаол иштирок этишни режалаштирган.

Ҳозирги кунда университет 18 та мамлакатнинг 68 та давлат олий таълим муассасаси билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари, ўзаро англашув меморандумлари ва битимларни имзолаган. Ушбу ҳужжатларда белгиланган келишувлар натижасида 2024 йилдан

бошлаб ҳозирги кунга қадар 176 нафар талаба ва профессор-ўқитувчилар хорижий ҳамкор университетларда академик алмашинув дастурларида, халқаро илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, таълим форумлари, малака ошириш ва стажировка ўташ дастурларида иштирок этдилар. Университетнинг ўқув жараёнига жалб этилаётган хорижий профессор-ўқитувчилар сони 21 нафарни ташкил этади.

Халқаро ҳамкорликлар асосида университетимиз бир неча нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2019 йилдан бошлаб Беларусь Республикасининг Полоцк давлат университети билан 2 та таълим йўналиши бўйича, Россия Федерациясининг Мордовия давлат миллий тадқиқот университети ҳамда 2020 йилдан Томск давлат миллий тадқиқот университети билан жами 4 та таълим йўналиши ва 1 та магистратура мутахассислиги бўйича, шунингдек, 2022 йилдан Туркия Республикасининг Эге университети билан 1 та таълим йўналиши бўйича қўшма таълим дастурлари асосида ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунгача ушбу дастурлар асосида 2 нафар магистр, 80 нафар бакалавр Андижон давлат университети ва хорижий ҳамкор олий таълим муассасаларини муваффақиятли якунлади. Айни вақтда қўшма таълим дастурлари асосида жами 66 нафар талаба тахсил олмоқда.

Хорижий университетлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган халқаро грант лойиҳалари илмий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба алмашиш, илгор инновацион технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш, халқаро илмий журналларда натижаларни чоп этиш учун

янги имкониятлар очмоқда.

Осиё тараққиёт банки томонидан 140 минг АҚШ доллари ҳажмида молиялаштирилган “IPEHEC” халқаро лойиҳаси амалга оширилиб, университетнинг физика-математика факультетида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича замонавий тажриба-синов илмий лабораториясига Испания, Россия, Германиядан замонавий илмий-техник жиҳозлар олиб келинган ҳамда Оксфорд илмий-тадқиқот марказига масофавий уланган. Ушбу лабораторияда ҳозирда университетнинг илмий изланувчилари томонидан тадқиқотлар олиб боришмоқда.

2023 йилдан 2026 йилга қадар Европа Иттифоқининг “Эрасмус+” дастури томонидан молиялаштирилган “101083216-ECAMPUZ-European World Talent Camp for Uzbekistan Scientists in Food Science and Technology-ERASMUS-EDU-2022-CBHE” лойиҳаси Ўзбекистонда озик-овқат соҳасида “Барқарор ўсим ва иш ўринлари” билан боғлиқ миллий устуворликларни ҳал қилиш, салоҳиятини ошириш, барқарор воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган. Лойиҳанинг умумий ҳажми 717355 еврони ташкил этади.

Европа Иттифоқининг “ERASMUS-EDU-2022-CBHE” дастури доирасида амалга оширилаётган “ECAMPUZ” лойиҳасида иштирок этаётган Андижон давлат университетининг 8 нафар талабаси, илмий-тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчилари Испаниянинг Экстремадура университетида, Даниянинг Копенгаген университетларида ташкил этилаётган ўқув тренингларида иштирок этмоқда.

Университетда “Халқаролаштириш стратегияси”да халқаро таълим стандартларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. Айни



кунда хорижий университетларнинг илгор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларини қайта қўриб чиқишга ҳаракат қилинмоқда.

Европа Иттифоқининг “Эрасмус+” дастури доирасида “Олий таълим потенциалини ошириш” йўналишида 2023 йилда ўтказилган халқаро танловда университетимиз томонидан миллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда тақдим этилган “101128871-DEBSEUZ-ERASMUS-EDU-2023-CBHE development of the targeted educational program for bachelors in solar energy in Uzbekistan” “Ўзбекистонда Қуёш энергияси бўйича бакалаврлар учун мақсадли ўқув дастурини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг бажарилиш даврида, яъни 2023-2026 йилларда Андижон давлат университетидаги “Қайта тикланувчи энергия манбалари” бўйича мутахассислар Италиянинг Турин политехника университети, Португалиянинг де Эвора университети ва Испаниянинг Мадрид политехника университетида ташкил этилган малака ошириш дастурларида иштирок этмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда “Қуёш энергияси” йўналишида бакалаврлар тайёрлаш ва мутахассисларни касбий қайта тайёрлаш бўйича инновацион ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш, Европа университетлари тажрибасига таянган ҳолда бакалавр босқичи учун 12 та янги фан дастурлари яратиш, 7 та Ўзбекистон ОТМларида 1 тадан инновацион лабораториялар ташкил этиш, ийиллик ўқув-илмий конференциялар ўтказиш ҳамда профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни Европадаги ҳамкор университетларда малака оширишларини ташкил этишдан иборат.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Андижон давлат университетининг 2025-2030 йилларда халқаролаштириш стратегиясининг амалга оширилиши ҳам университетда таълим сифатини ошириш учун янги имкониятлар яратади. Жаҳон таълим ҳамжамиятига муваффақиятли интеграция университетнинг замонавий таълим бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг калити бўлади.

Бахтиёржон АКБАРАЛИЕВ,
Анджон давлат
университети ректори,
техника фанлари доктори.



✓ НУҚТАИ НАЗАР

Бугунги ўзбек матбуотининг аҳволи, унинг келажаги ҳақида жамоатчилик орасида турли фикрлар мавжуд. Хусусан, босма оммавий ахборот воситалари бир пайтлардагидек ўқувчилар ишончи ва эътиборини яна қозона оладими? Биз ҳақиқатан ҳам давр талабига мос, таъсири ва кучли журналистика ярата олаёмизми?

Хўш, бугунги матбуотнинг келажаги ҳақида нима дея оламиз? Фикри ожиз-жамча, матбуотнинг, албатта, келажиги бор. Чунки одамларга ахборот керак. Ҳамиша, ҳар кун. Ахборотни эса уларга матбаа нашрлари, оммавий ахборот воситалари етказди. Аммо бугунги ўзбек матбуотининг шу кетишдаги келажаги қандай, десак-чи? Бунга мен бир нарсга дейишим қийин. Сабаби, у ўсмаяпти. Масалан, дейсизми? Масалан... Бундан роса эллик уч йил бурун — 1972 йилда бир муаллими “Қишлоқ хўжалиги журналистикаси” деган фандан бизга дарс берган. Ҳамма-миз арифметика билан шуғулланардик. Бир каттар ердан 32,5 центнердан картошка олинса, 19,74 гектар ердан қанча ҳосил чиқади? Янаги дарсда эса — галла ё пахта мавзуси. Уни сугориш, культивация ва озиқлантириш математикаси. Аммо мақола ёзиш маҳорати бўйича сабоқ берилмас эди. Чунки совет матбуоти саҳифалари гектарлар, центнерлар билан тўлар эди.

Лекин қайси даладан ҳосил етмиш тонна чиқадими ё саксон тонна, одамлар бунинг нима фарқи бор эди? Биз бунга шу қадар ўргандикки, қузда ҳамма пахта “сводка”сини кутарди, гўё фронтда неча қақирим ер душмандан озод қилингани тўғрисидаги маълумотни кутган командирлар каби.

Ҳозир-чи? Опислаб кетдикми ўша матбуотдан? Менимча, у қадар силжий олмаётгани. Ҳамон қайси банк қайси фермерга ё кластерига қанақа фоиз билан ўтган йилда қанча миллиарду қанча миллион сўм кредит бергани, ал-қайси чет эл компанияси йилни қанча соф даромад билан якунлаётгани, қай бир ўғит заводи “жорий йилда” қанча маъданни ўғит ишлаб чиқаргани ёзил-верари, ёзил-верари... Биздаги аксарият матбуот нашрлари ўзини ҳамон статистика идораларига тааллуқли деб ўйлашди чоғи. Энг нуфузли газеталаримиз ҳам ахборотга тўла, аммо бу “ахборот” деярли кўпчиликка керак эмас — тўрт ёки олти бетлик газетани бирикми дақиқа ичида “ўқиб” бўласиз. Аслида ўқийдиган, ўқишга арийдиган ҳеч вақоси йўқ. Расмий хабарлар ҳам шу қадар ҳисси ва қуруқ ёзилмадики, ҳеч нарсга ёдингизда қолмайди.

Нера?

✓ ОГОҲЛИК

Глобал ахборот майдонида кибермакон билан боғлиқ янгидан-янги таҳдидлар юзга келмоқда. Виртуал оламдаги ҳужумлардан ҳимояланиш масаласи дунё ҳамжамятини жиддий ташвишга солаётди.

Дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ор-тиқ киберҳужумлар уноштирилади. Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланади. Франция, Англия, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи киберҳужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда киберҳужумлар туфайли жиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган. Хусусан, ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картасидаги маблағларни ўзлаштириш, зарарли вируслар тарқатиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, диний ақидапарастликка қаратилган ахборот ҳужумлари, он-лайн савдо майдонидаги фирибгарлик жиноятлари кўпайиб бормоқда.

Республикамызда виртуал опамдаги қонун бузилишларининг аксарияти 16-23 ёш оралиғидаги ўсимир-ёшлар томонидан содир этилаётган экан, киберхавфсизлиқни таъминлаш масаласи бугун ҳар қанчондиган ҳам долзарб.

Интернет ва молиявий технологиялар ривожланиши билан фирибгарлик схемалари ҳам ўрчиб бормоқда. Ҳар бир сармоядор хавфсиз инвестиция қилишни хошлайди, лекин нотўғри қарорлар ва фирибгарлик схемалари катта молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Келинг, инвестицияда фирибгарликдан ҳимояланиш усуллари, энг кўп учрайдиган қаллоблик схемалари ва хавфсиз сармоя қилиш стратегияларини батафсил кўриб чиқамиз.

ИНВЕСТИЦИЯ ФИРИБГАРЛИГИ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Инвестиция фирибгарлиги — бу одамларни ёлгон ваъда билан сармоя қиритишга мажбурлаб, уларнинг маблағларини ўғирлаш усулидир. Энг кўп учрайдиган инвестиция фирибгарлиги турлари куйидагилар:

1. Понзи схемаси (“Ponzi Scheme”)

Бундай фирибгарлик тизимида янги сармоядорлардан тушган маблағлар аввалги сармоядорларга тўланади. Ҳақиқий инвестиция йўқ, фақат пул айлантрилади.

Белгилари: “Кафолатланган фойда”, “Ҳеч қандай таваккалчилик йўқ”, “Чекланмаган даромад” сингари ёлгон ваъдалар берилди.

2. Пирамидда схемаси (“Pyramid Scheme”)

Бунда янги қўшилган сармоядорлардан тушган маблағлар юқори даражадаги аъзоларга тўланади.



Чунки кўп ўзбек журналистлари фикрий ялқовлик, ўсишга, янгилик яратишга интилмаслик касаллигига чалинган. Президентимиз талаб қилаётган, кутаётган, ўқувчилар истаётган жасорат етишмайди. Жонни жабборга бермай, етмиш-саксон йиллик ҳамма юрган эски йўлдан юравериш осон-да. Аслида ўша ҳосилни кўтараяётган деҳқон, ҳар кун минглаб одамларни ташиётган ҳайдовчи, янги қотишма ихтиро қилаётган металлург билан суҳбатлашиб, бир одам сифатида... ўша қуриб кетгўр ишидан ташқари... яна нима фикр-хаёллари, дарду тавишлари, интилишлари бор — мана шуларни ёз-сак, ҳамма ўқир эди-ку-...

СЕРҲАДИК ОДАМЛАР

Бир тележурналистни билардим. Ҳозир хорижда. Беш йилча бурун унинг бир боғбон билан суҳбатини телеви-зорда кўрган эдим. Одатда, боғбон би-лан ё олма “чаппор уриб” гуллаган, ё бўлмаса, мевалар ерга теккудай бўлиб ғарқ пишган пайтда, шуларнинг фо-нида интервью олинар эди. У эса боғ-бон билан кеч кучда — барглар тамом тўкилган, биттаям меваси қолмаган ол-мазорда эски иккита курсига ўтиро-либ, совуқда диллашишди. Саволлар ҳам биз ўрганмаган, ноодатий савол.

“Ҳақим ака, тасаввур қилинг: бирдан бойиб кетдингиз. Шунда дастлаб нима қилган бўлар эдингиз?”. Боғбон бироз ўйлиниб, муҳаббат тикилди. “Ука, боғ-бон билан деҳқон ҳеч қачон бирдан бо-йиб кетмайди. Аммо... бир нарсадан кўнглим хотиржам — бизнинг топган пулимиз ҳалол!”

Яна савол: “Сизга нима ёқмайди?”. Боғбон пешонасини уқалаб, ерга ти-килди: “Тўғриси ятайми? Мен ҳамма нарсасига чидайман. Аммо ноҳақ-лик ёқмайди. Мажлисларга қақиршса, ҳокимларнинг юзига қараб, очик айта бераман, шунинг учун баъзи катталар мени ёмон кўради”.

Мана бунинг — ҳаққоний журналис-тика деса бўлар. Журналист эса ижо-дий руҳли, сал кейин бир асала-ричи билан суҳбат қилган экан, кимдир ўтказишга рухсат этмади — эфирда

кетмабди. Бундай материалларнинг кимга нима зиёни бор, билмадим.

Ҳамонки гап телевидение ва ра-диога қараб бурилган экан, тагин бир фикримни қистириб кетай. Бизнинг те-лемухбирлар нуқул мажлисларни ёри-тишади. Бу кишилар... иш ҳам қилиша-дими, ё эрта-ю кеч мажлисда ўтириша-дими, дегинг келади. Мухбирлар бир “Дамас” бўлиб етиб бориб, ҳали у, ҳали бу мажлисни тасвирга олади, тайёр “пресс-релиз”ни ўқиб беришади. Фақат “ҳисобот” кўрсатувлар...

Ҳолбуки, ҳозир одамлар бошқа, умуман жамият бошқа. Ахборот май-дониди аудитория учун қаттиқ кураш кетяпти. Бу курашга қўшилмай, четда турган, ўзига мухлис тўғрай олмаган ва бунга ҳатто уринмайдиган ҳар қандай матбуот ўлади. Чунки одамлар учун бошқа ўнлаб ва юзлаб ахборот манба-лари мавжуд, танлаш имкони кўп.

БОСМА МАТБУОТ ЯШАБ ҚОЛАДИМИ?

Очиги, бу қалтис савол жавобини ҳам аниқ айтолмайман. Бунинг устига, агар кўнглимдаги гапни айтсам, одам-лар раддия ёзишса ҳам ажаб эмас. Майли, гапим бир “мулоҳаза” бўла қол-син.

Аввало, босма матбуот ҳам яшаб қолади, бу турган гап. Матбуот, мат-баа деган сўзларнинг ўзи “босма” де-гани-ку. Иккинчидан, электрон ахборот шакллари ҳар қанча кўпайгани билан, энг ривожланган Ғарб давлатларида босма нашрлар ҳам тобора кўпайиб бора-пти, деб ёзишди.

Бироқ бошқа бир фикр. Ёдингизда бўлса, Совет давлати ягона маффу-рани синдириш учун матбаа нашрла-рини кўпайтирган эди. Мактабда ҳар бир сифнинг деворий газетаси бў-ларди. Заводларда ҳар бир цехда, ке-маларда экипаж аъзолари учун, ҳар-бий қисмларда ҳар бир взвод — 33 ки-шилик гуруҳнинг ҳам деворий газетаси тайёрланарди. Колхоз-совхоз, завод ва комбинатларда эса кўп нусхали газета — “многотиражка” бўлиши шарт эди. Ҳатто газета чиқарадиган тахририят-ларнинг ҳам ўз деворий газетаси бўл-

гич эди. Бунинг устига, матбаа нашр-лари жуда арзон, қарийб сувтекин эди.

Бўлар тарихда қолиб кетди. Энди бу гапларни айтишдан максадим, ма-салан, “туман газетаси” бўлиши шарт эмас, деган фикрни ётиги билан ўртага ташлаш. Ўтган йиллари қачон бу ма-сала ўртага қўйилса, шу пайтгача иш-лаб келган ҳодимларни ким боқади, деган кўндаланг савол берилган. Нима деймиз? Аввало, бундай тахририят ҳо-димлари (ҳар бир туманда ўртача 3-5 киши) ҳозир ҳам ёғ ичида яшаётган-лари йўқ. Обуна учун кураш — улар учун тирикчилик манбаига айланган. Бундай газеталар ижод майдони эмас, мош олиш учун бир манба бўлиб қолди. Чунки давлат энди дотация бер-майди, туман ҳокими онда-сонда аж-ратадиган арзимас “ҳомийлик ёрдами” эса тиш ковағида қолиб кетади. Наф-силамрини айтганда, бошқа нашрлар ҳам кимларнидир боқиб учун очилмас-лиги (ёки ушлаб турилмаслиги) керак.

Гап фақат туман газеталари ҳа-қида эмас. Мен, умуман, босма нашр-ларнинг сони кўпайишига қаршиман. Чунки бунақада бировнинг гапини бир-ров эшитмайди — бу журнал ё газе-тада чиққан нарсани бошқалар ўқи-майди. Ҳозир мамлакатимизда минга яқин газета, тўрт юздан ортиқ журнал чиқар экан. Буларни ким, қачон ўқийди? Ундан кўра, сони озроқ бўлса ҳам, энг яхши газета ва журналлар ҳаммага етиб боргани яхши эмасми? Қизиқ-да, ҳамма саводли, аммо билимли одам-лар қамалган. Ахборот асрида яшаб турибмиз, аммо ахборотга зормиз...

Жуда галати ишлар бор-да шу ерда. Бугун ҳар бир тармоқ ўз наشريни оч-ган. Ҳатто кўмир қазувчиларнинг “Қў-мир” деган газетаси бор экан. Олий суд — ўзимизнинг газетасига обуна қиламиз деса, ИИБ ўз наشريни қўлласа, турли вазирлик ва идоралар ҳамда каттароқ ташкилотлар ҳам газеталарини қўла-б-қувватлаши керак. Бу нима, ҳақи-қий матбуот шуми энди? Айтайлик, қа-чон бир комбинат нашри ўзидаги муам-молару камчиликларни ёрита оларди? Ҳеч қачон!

Ёки ана бир ишқал. Бирон газета ё

журналга банк ёки компания пул ўтқа-зади, нашр эса унинг ишини мактаб чи-қади. Бу одатий ҳол бўлиб қолди ҳо-зир. Ҳолбуки, “ҳомий”нинг ишлари хом бўлиши ҳам мумкин-ку! Танқид ўрнига мактов сотиб олинади. Матбаа нашри сотилади, ҳақиқат сотилади...

СЎЗ ЭРКИН БЎЛМАСА, У УМУМАН СЎЗ ЭМАС!

Чет эпларни яхши билмайман, аммо бизда эркинлик ҳақида эмас, ҳадиқ ҳа-қида гапириш тўғрироқ бўлса керак. Одамларга ахборот етиб боришдан кўриш керак эмас. Аксинча, ваҳима кўпаяди, миш-миш ўрчибди. Маса-лан, қайси-ям йили бир жойнинг томи қор кўлпигидан босиб қолган. Тўрт одам ўлган. Матбуот жим. Аммо ижти-моий тармоқларда ҳаммаси айтилиб ётибди... Кўшиб-чатилган, ёлгон гап-ларни ўз билганларича тўқийшати. Шу ерда ҳақиқий журналистика керак-да. Барбери ойна этак билан ёпиб бўл-майди-ку. Ҳоҳ кўшни шаҳарда оз бер-ган воқеани чет эл ахборот манбалари-дан аштитасиз.

Қизиқ, ҳамма билиб бўлган нарсани кимдан яшириш керак? Яхши эслай-ман, 1966 йил бошида Тошкентда, Дек-ларация имзоланган куннинг эртаси Хиндистон Бош вазири Лалл Бахадир Шастри вафот этган. Тонгдаёқ бутун дунё бу хабарни билиб бўлган. Ўзбе-кистоннинг ўзида эса бу хабар ҳамма-дан кеч — пешиндан сўнг эълон қилин-ган. Ҳа, энди бу ўтган замон воқеалиги десангиз, бугун-чи, матбуотимиз давр талабига мосми, тезқорми?

Мустақиллиқнинг илк йилларида Ўз-бекистонда цензура бекор бўлди деб эълон қилинган куни барча муҳаррир-ларни йиғиб, давлат сирлари ошқор қи-линмаса бўлди, бўёғи эркин, деб ай-тишувди. Ўшанда Иброҳим Ғафуров — у киши ўша пайтда “Миллий тикла-ниш” газетаси муҳаррири эди — савол бериб: “Биз нималар давлат сир-ли эканини билмаймиз-ку, майли, сирнинг ўзи керак эмас, аммо ўшандай соҳалар рўйхатини беришлар, токи биз ўшага дахл қилмайлик”, деб айтувди, мин-барда ўтирган ўша пайтдаги бир раҳ-

бар ўқрайиб қараб: “Бўпти, рўйхат ет-казилади”, дегани ёдимда. Аммо... ўша рўйхатни, билмадим, Марсдан олиб келиш керак эканми, ҳануз муҳаррир-ларга етиб келганини эшитмадик. Оқи-батда ҳар бир муҳаррир, ҳатто тахри-риятлардаги бўлим мудирилари ҳам, ўзини “цензор” санайди. Ажаб, цензура гуриллаб турган вақтлари бемалол чи-қадиған мақолам эндиликда бёзған қайчилаб-қайчилаб чоп этилади...

БЛОГЕР ЖУРНАЛИСТ БЎЛА ОЛАДИМИ?


Йўқ, Чунки блогерга вазифа юкла-тилмайди. У эркин қуш. Журналистга эса, афсуски, топириқ берилади. Ак-сар журналистлар ўзи истаган эмас, муҳаррир юклаган мавзунни ёритади.

Блогер — ўзи учун ёзадиган одам. Эсдалик дафтари каби. Ана шу “хо-тира дафтарингиз” қанча қизиқ бўлса, аудиториянгиз шунча кенг бўлади. Назаримда, бизда блогер дегани ўр-чиб кетишининг сабаби ҳам юқори-даги гапга боғлиқ. Яъни, оммавий ах-борот воситаларининг аксари тўғри гапни эълон қилишдан чўчийверса, очик гапнинг йўли “андиша” деб тў-силаверса, блогер зоти кўпаяверади. Ҳозир ахборотни яшириш амрима-ҳол.

Яна бир гапим шуки, агар қўлимда бўлса, журналистик малакаси бўлма-ганларга блогерлик қилишни тақиқлар эдим. Бунинг сўз эркинлигига дахли йўқ. Чунки кўп блогерлар савиясизлик, ахлоқсизлиқни тарғиб этиб, қадрият-ларимизни оёқости қилиб бўлса ҳам пул топиб, пировард-натигада омма-вий ахборот воситаларининг ҳам обу-рийни туширяпти. Ке-чагина уй бозорда мактёрлик, машина бозорда, мол бозо-рида даллоллик ёки қаердадир устачи-лик қилиб юрган, ёхуд умуман ишнинг тайини бўлмаган айрим қимсалар бу-гун ўзларича “блогер” бўлиб олишган, ҳамма телефони узра эғрилиб сажда қи-лаётган бир замонда уларнинг “тирик-чилик фаолияти”ни деб энг гўзал мил-лий ахлоқимиз, анъаналаримиз бар-бод бўлмаса эди...

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.

ТЕКИН ПИШЛОК



ёки онлайн фирибгарликлардан эҳтиёт бўлинг!

Бу схема қондасига кўра, ҳар бир янги ишти-рокчи янги одамларни жалб қилиши керак. Ҳақи-қий маҳсулот йўқ, фақат одам жалб қилиш орқали даромад ваъда қилинади.

3. Фирибгар брокерлар ва трейдинг плат-формалари

Бу тизимда ёлгон трейдинг платформалари ва брокерлар инвесторлардан маблағ йиғиб, уларни ўғирлайди.

Лицензия йўқлиги, тўловларни олишдаги уз-луқсиз муаммолар, фирибгарлик ҳақидаги шарҳ-лар унинг асосий белгисидир.

4. Фейк криптовалюта ва “ICO” (“Initial Coin Offering”) лойиҳалари

Ёлгон криптовалюта ва “DeFi” лойиҳалари сармоядорларни алдайди.

Бунда ҳам лицензия йўқлиги, ҳеч қандай ҳақи-қий технология ёки ишлаб чиқариш мавжуд эмас-лиги фирибгарликнинг асосий белгилари ҳисоб-ланади.

5. Фишинг (“Phishing”) ва шахсий маълумотларни ўғирлаш

Фирибгарлар сармоядорларнинг шахсий маълумотлари (банк карталари, ҳисоб пароллари)ни турли йўллар билан қўлга қиритиб, маблағларини тортиб олади.

Белгилари: ёлгон веб-сайтлар, электрон почта орқали алдаб ўтказиладиган хабардорлик.

ФИРИБГАРЛИКДАН ҲИМОЯЛАНИШ УЧУН АСОСИЙ ТАВСИЛАР

Аввало, ҳар қандай сармоя имкониятини таҳ-лил қилинг:

— инвестиция лойиҳасини текширинг: ком-пания, платформа ёки фонд ҳақида маълумот олинг;

— лицензия ва регуляторни текширинг: бро-кер ёки инвестиция платформасининг рухсатно-маси бор-йўқлигини билинг;

— ҳақиқий бизнес моделини ўрганинг: агар компания даромаднинг қаердан келиши ҳақида аниқ жавоб беролмаса, эҳтиёт бўлинг, фирибгар-лар тўзюғига тушиб қолманг.

Инвестиция лойиҳасини куйидаги веб-сайтлар орқали олдиндан текшириб олиш ҳам сизни фи-рибгарлар тўзюғидан ҳимоялайди:

* “SEC” (АҚШ Қимматли қозғолар ва биржа ко-миссияси)

* “FCA” (Буюк Британия Молиявий назорат ор-гани)

* Капитал бозори агентлиги (Ўзбекистон)

Айни пайтда интернетда “Ҳеч қандай тавак-калчилик йўқ!”, “Кафолатланган 50 фоиз даромад ҳар ой!”, “Бир ойда бой бўлиш имконияти!” син-гари жуда юқори фойда ваъда қилувчи платфор-малар жуда кўпайган.

Шуни билингки, ҳақиқий инвестицияда ҳеч қандай юз фоиз кафолатланган фойда йўқ. Фи-рибгарларга алданмаслик учун доимо акция, об-лигация, ЭТФ ва криптовалюта бозорини ўрганиб бори-нг.

Юртдошларимиз кўп дуч келаётган пла-стик картадан маблағ ўғирланиши яъни пластик карта фирибгарлиги — бу банк карталари ёр-да-мида амалга ошириладиган молиявий фириб-гарликдир. Бу шахсий маълумотларни ноқону-ний йўллар билан қўлга қиритиш ва улар орқали пулларни ўзлаштиришни ўз ичига олади. Фириб-гарлар, одатда, фуқаронинг қўл телефонига қўн-ғироқ қилиб, ўзини бани ёки тўлов тизими ходими деб таништиради. Бундай шахслар миҳознинг мобилга иловаси бузилгани, банк картаси бло-к қилинганга тушгани, картадан ноқонуний пул ечиб олишга уринишлар бўлаётгани ва шу каби турли ўйдирмаларни тўқийди ҳамда агар дарҳол чора кўрилмаса, барча маблағлардан айрилишни ҳа-қида айтиб уни алдашга уринади. Шундан сўнг, карта эгасининг телефонига юборилган бир мар-

талиқ SMS-кодни сўраб, унга ёрдам беришни так-лиф этади.

Фирибгарларга алданмаслик учун улар-нинг куйидаги белгиларига аҳамият беринг:

— фирибгарлар сизга яширин ёки бегона ра-қамлардан қўнғироқ қилади ёки SMS-хабар юбо-ради;

— зудлик билан қарор қилишга ундайди, “тез-роқ”, “ҳозироқ”, “кейин тушунтирман” каби сўз-лар билан саросимага солишга уринади;

— муайян саволлар берганингизда аниқ жавоб беролмайди ёки чалқашлик ҳолати кузатилади;

— паспорт маълумотлари, карта рақами би-лан унинг амал қилиш муддатини, сизга жўнатил-ган тасдиқловчи кодни ёки бошқа шахсий маълумотларни сўрайди.

Унутманг! Банк ходими ҳеч қачон тасдиқлаш учун кодни сўрамайди. Банк сизга фақат карта ҳисобидан пул маблағлари ечиб олинганда ва ҳисоб тўлдирилгандагина SMS-хабарнома юбо-ради.

Фирибгарлар тўзюғига тушиб қолмаслик ҳамда картангиз ҳисобидаги пулларингиз хавфсизлигини таъминлаш учун куйидаги қоидаларга риоя қилинг:

— ҳеч кимга ва ҳеч қачон картангиз маълумот-ларини берманг;

— карта пин-коддини эслаб қолинг ва ҳеч кимга айтманг. Энг муҳими, бундай маълумотларни картангиз орқа томонда ёки қўринадиган жой-ларда сақланманг. Савдо ёки хизмат кўрсатиш пайтида карта пин-коддини ўзингиз теринг ва уни овоз қилиб айтманг;

— картангиз ҳисобидаги пул маблағларини дои-мий назорат қилиб туринг. Ҳар доим карта ҳисоби-даги пул маблағлари баланси ҳамда уларнинг мав-жудлигини текшириб туринг. Картани жамоат жой-лари (автомобиль, миҳона)да қолдирманг;

— балансининг ўзгариши ҳамда карта ҳисоби-

дан амалга оширилган ҳар бир операция ҳақида хабар берувчи (ҳатто пуллик бўлса ҳам) SMS-ха-барнома хизматини уланг. Шундагина Сиз ҳар доим ҳисобингиз ҳолатини кузатиб боришингиз ва шубҳали операциялар содир бўлганда ўз вақ-тида чоралар кўришингиз мумкин;

— рухсатсиз пул маблағи ечилса, картани муз-латиб қўйинг. Агар ҳисобингиздан пул маблағи ечиб олиш хавфи вуужда қелса, банкка қўнғироқ қилиб, зудлик билан карта фаолиятини тўхтатиб қўйиш керак.

Бундан ташқари, куйидаги маслаҳатларга ҳам риоя қилсангиз, фойдадан холи бўл-майд:

— “Telegram” ва пул ўтказмалари амалга оши-рилувчи мобиль иловаларда икки босқичли ау-тентификация (2FA)ни ёқинг;

— фақат расмий веб-сайтлардан фойдала-нинг;

— ёлгон электрон почталар ва “Telegram” гу-руҳларига алданманг;

— “Telegram” орқали ошчиланган шубҳали файл ва ҳавопаларни умуман очманг — ҳатто та-нишингиздан келган бўлса ҳам. Сизга танишин-гизнинг аккаунтини бузиб қирган фирибгар ёзаёт-ган бўлиши мумкин. Айниқса, иловалардан эҳ-тиёт бўлинг, юклаб олма-нг;

— бонус ёки “тўлов қилиш учун картангизнинг рақамини юборинг” деган хабарларга ишонманг.

АГАР ФИРИБГАРЛИККА УЧРАСАНГИЗ, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилинг.

Банк

БУХОРОЛИК ЎТЮРАК ЖАНГЧИ ҚАСАМЁДИ:

“Бир кун келиб, ўзлигимиз устунлари — кўхна қалъаларимиз,
миллатимиз уйғониши учун курашамиз!”

Мен архивларни, улардаги саргайиб кетган қоғозлар яширган ҳақиқатларни ошкор қилишни, кўзларимни ёшлантириб, димоғимни ачиштирувчи, юрагимни куйдирувчи маълумотлар суронини яхши кўраман. Бир сескантириб, сўнгра хушёр тортирувчи аждодларимиз қолдирган васиятларни ўқиб, руҳиятимни қайтадан ростлашни ёқтираман... Бу ғира-шира маъво мозий билан бугунимиз ўртасидаги энг муҳим ришталарни бизга тортиқ этишини назарда тутсақ, ўзлигимиз устунларини бағрига босиб, ўз вақти-соатини кутиб ётган бу дарғоҳ шаббодаларини кўзимга сургим келади. Шундай қилиб, биз иллаган навбатдаги юртдошимиз ҳақиқатларини ҳикоя қилишга киришмоқчиман...



Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Марказий архивида 33-фонда тегишли материаллар орасида майор, икки марта “Жасорат учун” медали, “Қизил Юлдуз” ордени, Биринчи ва Иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши орденлари соҳиби Мажид Ғаниевга тегишли маълумотлар ҳам сақланади. Бу маълумотларга назар ташлашдан олдин, келинг, қаҳрамонимиз ўз қўллари билан ёзган мана бу “биография”га диққат қилайлик. Ушбу таржимаи ҳол 1938 йил 25 март куни Ўзбекистон ЛКСМ (Ленинчи ёшлар коммунисти иттифоқи) марказий кўмитаси Деҳқон ёшлари бўлими мудири Мажид Ғаниев томонидан қайд этилган.

Мажид Ғаниев 1913 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманида деҳқон оиласида туғилган. 1930 йилларнинг бошида Бухоро қишлоқ ҳўжалик техникумини тугатиб, шу ерда МТСда агроном бўлиб ишлаган. Кейинчалик Мажид Ғаниев комсомол ишига жалб қилинади. У Самарқанд вилояти Фориш туманида республика комсомол идораларида масъул лавозимларда ишлайди. 1935 йилдан то 1937 йилгача Ўрта Осиё ҳарбий округига қарашли ҳарбий мактаб курсанти, 1938 йили Ўзбекистон ЛКСМ Бухоро обкомининг биринчи котиби, 1939 йили ЛКСМ Самарқанд вилояти биринчи котиби вазифаларида хизмат қилган.

Мажид Ғаниев бир қарашда Ўзбекистон ЛКСМнинг нуфузли лавозимида ишлаётган энг фаол ёшлардан ҳисобланса-да, унинг юрагида миллатпарварлиқ ғояси кучли эди. Албатта, у каби шижоатли, ватанпарвар ва билимли ёшлар биринчилардан бўлиб урушга отландилар.

Душманга қарши қақшатқич жанглар бориши учун Қизил Армиянинг энг олдинги сафларига, махсус разведка отрядларига энг билимли, жасур ва зийрак жангчилар саралана бошлади. Мажид Ғаниев ҳам оғир артиллерия мактабида малака оширгач, Қизил Армия Бош қўмондонлик захира қисмининг 68-махсус разведкачи артиллерия дивизиони командири ўринбосарлигига қабул қилинади. Аввалроқ, 1942-1943 йилларда у Москва ва Сталинград шаҳарларини ҳимоя қилишдаги жангларда олдинги сафларда қатнашди. Кўрсатган жасорати учун “Қизил Юлдуз” ва “За оборону Сталинграда” медаллари билан тақдирланган.

ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВ САБОҚЛАРИ

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, майор Мажид Ғаниевнинг Оғир артиллерия мактабида олган сабоқлари генерал Собир Раҳимовнинг маслаҳатлари ва насиҳатлари билан муҳим



аҳамият касб этади. Генерал Раҳимов ҳам Мажид Ғаниевнинг доимо чақнаб турадиган кўзлари, ўткир саволлари ва зийраклигига алоҳида эътибор билан қарар, юртдошининг ҳар бир саволларига батафсил жавоб беришга ҳаракат қилар эди. Собир Раҳимов генерал бўлишига қарамай, ҳамisha оддий аскарлар билан суҳбат қилишга, уларнинг фикрларини билишга иштиёқи баланд эди. Ҳар қандай жангларда олдинги сафларни эгаллаган, “Темир генерал” дея таърифланган бу улугъ жангчининг ҳар бир сўзи Мажид Ғаниевга катта куч ва ғайрат бағишлаган.

Сабоқлардан сўнг қаҳрамонимиз Қизил Армия Бош қўмондонлик резервидаги 68-махсус разведкачи артиллерия Қизил орденли дивизионига катта куч ва шижоат билан кириб келди. Дивизион командири Павел Бутенев ва дивизион штаби бошлиғи Иван Богачевлар жасоратли ўзбек йигитининг дивизион командирига сиёсий масалалар бўйича ўринбосар сифатидаги сатъ-ҳаракатлари ва билимига жуда катта баҳо беришган. Шу боис қаҳрамонимиз ўз қатъияти ва жанглардаги фаол иштироки ва ташаббуслари учун 1943 йилда икки марта “Жасорати учун” медали, 1945 йилда эса Биринчи ва Иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши орденлари билан мукофотланади.

Ушбу дивизион жангчиларининг уюшқоқлиги ва ҳарбий тактикасини бошқа ҳарбий бўлилмадаги жангчилар ҳам катта қизиқиш ва фахр билан кузатар эдилар. Айниқса, бу машҳур дивизион бўлимининг Германия пойтахтига қадар олиб борган афсонавий жанглари тилларда дoston бўлади. Шу боис 1945 йилда Бош қўмондонлик резервидаги 68-махсус разведкачи артиллерия дивизиони Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланади.

СУРАТЛАРГА МУҲРЛАНГАН ҚОНЛИ ҒАЛАБА АКСИ

Ўша долғали йиллар тафти ва ҳароратини ҳис қилиш мақсадида Мажид Ғаниевнинг фотоальбомини ва рақлаймиз. Мана бу фото остига шундай ёзувлар қайд этилган: “Мақзур фото 1943 йил ёз фаслида Москвада олинган”. Бу пайтда Мажид Ғаниев Олий Артиллерия мактабида ўқиган. Расмда у генерал Собир Раҳимов, майор С.Нуриддинов билан бирга тасвирланган. Навбатдаги суратда 2-белорус фронти дивизияси командири, артиллерия генерал-майори Шлепин билан махсус топшириқни муҳокама қилаётган чоғи муҳurlанган. Сарғая бошлаган бу расмда эса 2-белорус фронти бошлиғи, генерал-полковник Боголюбов билан қаҳрамонимиз қизғин муҳокамага киришган пайти акс этган... Ушбу суратда 1942 йил охирида Сталинград жангида қатнашган Мажид Ғаниев тасвирланган.

1945 йилда Мажид Ғаниев конверт ичидаги хатга қўшиб юборган расм четиға мана шундай ёзув битилган: “Онажон, хотира учун Германия чегарасидан олинган расмни юборялман. Ҳаракатдаги армия. Мажиджон”. Албатта, бу расмни пахлавон ўғлининг йўлларига нигорон боққан онажониси кўзларига суриб ййглаган бўлса керак...

Ва ниҳоят... Не-не заҳматлар, машаққатлар, қонли курашлар эвазига келган ғалаба шодликлари акс эта бошлади. Масалан, мана бу расмда дарахтга осиб қўйилган матоли паннода масрур жангчилар қўксидан отилиб чиққан ҳаяжонли сўзлар ёзилган: “Қизил армия жангчилари! Мана шу ердан фашист газандаларининг ини бошланмоқда. Охирги ва ҳал қилувчи

хужум учун олға!!!” Рейхстаг девори... Бу манзилга ет-гунича жангчиларимиз не-не ёнган деворлар, бегуноҳ одамлар жасадаларига қазилган чуқур хандақлар, ўйламай қўйилган қадамларни ютиб юборадиган одамхўр ботқоқликлар оралаб етиб келишган. Ҳа, бу ғалаба не-не жонлар эвазига келмади дейсиз... Қаҳрамонимизнинг 1945 йил 9 май қувончлари акс этган расмига боқиб ана шу бой берилган фурсатлар, бахтлар ва қалблар изтиробини туйдиқ.

Кейинчалик Мажид Ғаниев ушбу расмларни қўлига олган чоғларида оловли жанглар суруни яна қайтадан бошланаётгандай ҳаяжонланар, жон берган сафдошлари тушларида уни таъқиб қила бошлар эди. Шу боис фарзандлари ҳар гал расмлар альбомини кўришни тақлиф қилганида бир қалқиб кетар, бу расмлар унинг юрагидаги жароҳатлар акси эканини янада чуқурроқ ҳис қиларди. Ва фарзандларини бағрига босиб шундай деган: “Биз сизлар учун, она юртимиз, миллатимиз келажаги учун ҳам душман билан курашишга қасамёд қилганмиз. Мана кўрасизлар, ўзлигимизга, албатта, қайтамиз! Бу ғалабани эса сизлар нишонлайсизлар. Қонли жангларнинг, ҳалол курашларнинг ажри шундай бўлса, ажаб эмас!”

Альбомнинг сўнгги варағидаги мана бу расмда Ғалаба кунига Бош қўмондонлик резерви 68-махсус разведка артиллерияси Қизил юлдуз орденли дивизионига алоҳида табрик йўллаган чоғи акс этган. Ўша пайтда Мажидбек барча сафдошларим шодлиқдан сакраб қувонса керак деб ўйлаган. Бироқ ўзи ҳам, сафдошлари ҳам юракларидан тошиб келган изтиробни тўхтада олмай тўйиб-тўйиб ййглаган эди. Ҳа, урушда ҳеч ким ғалаба қозонмайдди. Унинг жароҳатлари, ютқизилари, сабоқлари иккала томонни ҳам бирдек яралаган, мағлуб этган бўлади.

“ЭЛ ДАРДИ МЕНИНГ ДАРДИМ, ҚУВОНЧИ ҲАЁТИМДИР”

Урушдан кейинги йилларда собиқ СССР таркибига кирувчи ҳар бир давлат иқтисодини кўтариш, турмуш фаровонлигини яхшилаш, албатта, осон кечмаган. Бу жабҳа ҳам урушдаги танг ҳолатлардан асло қолишмас, ҳар бир инсондан, айниқса, раҳбарлардан жуда катта фидойилик ва ташаббускорлиқни талаб қилар эди. Мажид Ғаниев айна фронгда ҳам ўз жонбозлиги ва узоқоқлиги билан эл-юрт олиқшига сазовор бўлди. Қайси бир ташкилотда ишламасин, оддийлиги, камтарлиги ва одамхўнлиги билан журмат қозонди.

У 1946 йилда Совет Армияси сафларидан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳарбий бўлими мудири ўринбосари, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Тошкент қишлоқ округ қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. Кейинроқ Тошкент вилоят партия қўмитаси қишлоқ ҳўжалиги бўлими мудири ҳамда Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борган. 1952-1955 йилларда эса Олий партия мактабида ўқиган, сўнгра Ўрта Чирчиқ тумани партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимига тайинланган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қаҳрамонимиз Тошкент вилоятидаги “Тошкент денгизи” номи билан машҳур сунъий денгиз қурилишида раҳбарлик қилиб, бош-қош бўлган фидойи юрт фарзанди ҳисобланади.

Мажид Ғаниев 1956 йилдан Сирдарё вилоятидаги “Гулистон” ихтисослаштирилган давлат ҳўжалиги директори бўлиб ҳам ишлади. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги ва

зирлигида ҳам ўз раҳбарлик иқтисодини намoён қилди.

“ЗАНДАНИ” — МОЗИЙ ҚЎНГИРОҒИ УЙҒОТАР БИЗНИ...

Мақола тайёрлаш жараёнида бир бухоролик юртдошимиз Мажид Ғаниев хотирасига бағишлаб китоб нашр этаётганини эшитиб қолдик. Дарҳол пайсалламай муаллиф суҳбатига ошиқдик.

— Мажид Ғаниев катта акам Карим Муқимовнинг яқин дўсти бўлган, — деди Йўлдош Муқимов (китоб муаллифи). — Акамнинг вафотидан сўнг Мажид ака менга ҳам акалик, ҳам устозлик қилган. Саёҳатларимдан бирида Бельгияда Буюк ипак йўлига бағишлаб музей борлигини эшитиб, ўша масканга шошилдим. Музейда сўғдиқликлар “парча” деб атайдиган матони кўриб қолдим. Матода “Занданича” деб игнада тикилган ёзув борлигини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетдим. Чунки устозим Мажид Ғаниев менга кўхна Занданича ва Маликработ қалъалари ҳақида гапириб берган эди. Ахир ўша қимматбаҳо мато парчаси Зандани қалъасида тўқилган эди. Бу мато парчаси икки буюк сахро — Қизилқум ва Қорақум туташган жойда сақланиб қолган. Ва мен беихтиёр Мажид Ғаниевнинг бу кўхна қалъа ҳақидаги ҳикоясини эсладим. “Биласанми, Зандани сўзи нимани англатади? Қадимги сўғд тилида “Қўнғироқ садоси” маъносини англатади. Ҳа, ҳа, туя бўйинларини безаб турган қўнғироқлар иккита катта чўл чегарасида мунтазам жаранглаб турганини тасаввур қиялсанми?” деган эди кўзлари порлаб... Мен бу гаплардан Мажид Ғаниев ўз юртини қанчалар қаттиқ яхши кўришини ҳис қилганман.

Суҳбатдошим ўз хотиравларини сўзлар экан, менинг-да қулоғим остида Буюк ипак йўли бўйлаб чалинаётган қарвон кўчирогни жаранглай бошлади. Бутун умр Буюк ипак йўлини туташтирган қалъалар суронини ҳис қилиб, кўхна цивилизация кўпригини, ўз миллати, юрти тарихи қадрланишини, ўзликка борадиган йўлни топишни истаб яшаган, курашган миллатимизнинг жонқуяр фарзанди қалбини тинглагандек бўлдим.

— Мажид Ғаниев туғилган Вобкент қўрғонидаги баланд минора қадимда қарвонлар учун маёқ вазифасини ўтаган экан, — деди суҳбатдошим ўз ҳикоясида давом этиб. — Мажид ака учрашувларимиздан бирида Ҳўжа Насриддин туғилган Ширини қишлоғи ҳам, дунёга ибн Синони берган Афсона қишлоғи ҳам Зандани қўрғони экиндида эканини таъкидлаб ўтган эди. Унинг ҳикояларини тинглаб, Бухоро гўшаси марваридлардан ясалган маржон каби ноёб ва муқаддас маскан эканига ишонганман. “Биз томонда Ҳамро Маҳмудов исмли халқ оғзаки ижоди билимдони бор. Сен уни албатта топинг ва Ҳўжа Насриддин ва барон Мюнхгаузеннинг диалогларидан иборат “Ҳамма жойда ҳўроз бир хил қичкиради” деб номланган ҳазилларини бир тинглаб кўргин. Аканг Карим Муқимов, Ҳамро Маҳмудов ва мен жуда қалин оғайнилар бўлганмиз. Балки ўша ҳазилларни тўплаб бир китоб нашр қиларсан...”

Йўлдош Муқимовнинг айтишича, сўнгги учрашувлардан бирида Мажид Ғаниев катта ишонч билан шундай деган: “Дунё тартиби ва фаровонлигининг асоси бу йўлдир. Мана кўрасан, шундай вақтлар келадики, бизнинг авлодларимиз қадимги Зандани ва Маликработ қалъаларини тиклашади. Яна Буюк ипак йўли бўйлаб тулар бўйнидаги кўнғироқлар садоси янграй бошлайди. Яна бу кўхна қалъалар Шарқ ва Фарбни боғлаувчи кўприкка айланади”.

— Мажид Ғаниев жуда тўғри айтган экан, — деди Йўлдош Муқимов. — Мана, айна пайтда Маликработ қалъаси тикланмоқда, кўп ўтмай Зандани қалъаси ҳам тикланса, ажаб эмас. Ҳа, эзгу ниятлар, албатта, ўз ижобатини топар экан. Мен ҳам дунёнинг икки қувнок донишманди ҳақидаги китобини бошладим. Мен бу китобимни Бухоронинг ўтюррак ва миллатпарвар фарзанди Мажид Ғаниевнинг порлоқ хотирасига бағишладим. Шунингдек, бу китобга акам Карим Муқимов ва Ҳамро Маҳмудовларнинг ажойиб ҳикояларини ҳам, албатта, жойлайман.

Демак, Иккинчи жаҳон урушининг 80 йиллиги арафасида яна бир жасур курашчининг, толмас жангчининг ёрқин хотираси архив сиртмоқларидан қутулиб, бугунги авлод қалбига кириб боради.

Нодир СУВОНОВ,
“Шухрат” медали соҳиби.

✓ ХОРИЖ

ЭНГ ЙИРИК ЭЛЕКТР-КЕМА

Австралияда дунёдаги энг йирик электр-кема муваффақиятли равишда сувга туширилди. Ушбу кема денгиз транспорти соҳасидаги инқилобий ютук сифатида тақдим этилмоқда. Кема “Mitsubishi Corporation” ва “Ceres” компанияларининг ҳамкорлиги билан яратилган ва тўлиқ электр энергиясидан фойдаланади, бу эса атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун муҳим қадам ҳисобланади.

Кеманинг узунлиги 100 метрни ташкил этади ва у 1 000 дан ортқ юк контейнерларини ташиш имкониятига эга. У атроф-муҳитга зарар бермайдиган катта миқдордаги юкларни ташиш учун қулай ва самарали транспорт воситасидир. Кема, энг аввало, глобал юк ташиш саноатида углерод чиқиндиларини камай-тиришга қаратилган.



ҲИНДИСТОН ВА ПОКИСТОН ИМПОРТ, ПОЧТА ВА ДЕНГИЗ АЛОҚАЛАРИНИ ТЎХТАТДИ

Ҳиндистон Покистон билан импорт, почта алмашинуви ва денгиз алоқаси тўхтатилганини билдирган. Бу қарор жорий йилнинг 22 апрель кунни Кашмирда 26 кишининг ўлимига сабаб бўлган ҳужумдан кейин Жанубий Осиёнинг ушбу икки давлати ўртасида давом этаётган кескинлик асосида қабул қилинган. Нью-Дехлида шу мазмундаги ҳукумат баёноти эълон қилинган.

— Покистонда ишлаб чиқарилган ёки ушбу давлат орқали кириб келаётган ҳар қандай товарнинг тўғридан-тўғри ёки билвосита импорти, транзити, шундай маҳсулотлар эркин олиб кирилиши, ҳеч бир истисносиз, турли руҳсатномалардан қатъи назар, кейинги фармойишгача зудлик билан тақиқланади, — дея таъкидланган Ҳиндистон Савдо вазирлиги тарқатган баёнотда.

Кўрсатма дарҳол қучга кириши таъкидланиб, “Ушбу чеклов миллий хавфсизлик ва давлат манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилаётгани” қўшимча қилинган.

Испомобод аллақачон қўшни давлат билан савдони тақиқлаган.

ЎЗИГА ВОРИС ТАЙЁРЛАЁТГАН ПУТИН

Россия президентининг сўзларига кўра, унинг вориси “халқ ишончини” қозониши керак. Шунингдек, у ўзида номзодлар рўйхати борлигига шама қилган.

Россия президенти Владимир Путин вориси ким бўлиши ҳақида “доим” уйлашини маълум қилган. Шунингдек, у ўзида номзодлар рўйхати борлигига шама қилган.

“Россия. Кремль. Путин. 25 йил” хужжатли фильмида Путин ўз вориси “халқ ишончини” қозониши кераклигини, акс ҳолда, президентда “нимадир жиддий иш қилиш имконияти” бўлмаслигини таъкидлаган. Унинг айтишича, халқда танлов бўлиши учун номзодлар бир нечта бўлгани яхши.

Турли йиллар давомида Путиннинг вориси сифати бош вазир Михаил Мишустин, бош вазир ўринбосари Дмитрий Патрушев, президент маъмурияти раҳбари ўринбосарлари Сергей Кириенко ва Дмитрий Козак, Москва мэри Сергей Собянин, Давлат кенгаши котиби Алексей Дюмин қараб келинган.



ДУНЁДА ИЛК БОР ЮРАК УРИШДАН ТЎХТАМАСДАН КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛДИ

Тайван Миллий университети шифохонаси (NTUH) жарроҳлари тарихда илк бор донор юрагини уришдан тўхтатмасдан кўчириб ўтказишга муваффақ бўлган. Бу ҳақда “Fox News” хабар берган.

Юрак кўчириб ўтказиш жараёнида кислородга тўйинган қонни узуксиз ҳайдаган. Аъъанавий юрак трансплантацияси эса совуқда сақлаш усулига таянади. Бунда аъъога қон оқими тўхтайди, шу сабабли ҳатто бир неча соат кислородсиз қолган юрак мушакларига зарар етиши мумкин. Бундай ҳолатдаги кўчириб ўтказишда организм юракни рад этиши хавфи мавжуд.

Шунингдек, операциядан кейинги асоратлар ҳам кузатилиши мумкин. “NTUH” жарроҳлари бунинг олдини олиш учун органларни парварши қилишнинг махсус тизимини ишлаб чиққан. У ҳаётни таъминлашнинг портатив аппарати сифатида ишлайди, кислород билан тўйинган қонни донорнинг юрагига етказиб беради, яъни танаффус ва совуқ сақлашсиз.

“Биринчи операция пайтида жамоа донорнинг юрагини, у ҳали уриб турганида, махсус қурилмага уланган ҳолда операция хоналари орасида кўчирди. Юрак кўчириб ўтказилган бемор — дилпатацион кардиомиопатия билан оғирган 49 ёшли аёл — тезда соғайиб кетди ва юрак мушаклари саломатлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланган юрак ферментларининг жуда паст даражасини намойиш этди”, дейилган хабарда.



СИ ЦЗИНЬПИН УЧ КУН РОССИЯДА БЎЛАДИ

Хитой раиси Си Цзиньпин Россия президенти Владимир Путиннинг тақлифига биноан 7-10 май кунлари расмий ташриф билан Россияга боради. Бу ҳақда Кремль таъбиот хизмати маълум қилган.

Қайд этилишича, у Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади. Шунингдек, давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар ўтказиш ва ҳужжатлар имзолаш режалаштирилган.

“Музокараларда кенг қамровли шериклик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий масалалари, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади. Бир қатор икки томонлама ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган”, дейилади хабарда.



Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан “O‘zbekiston 24” ijodiy birlashmasi” DM телеоператори Ширмухамедов Дилшод Сағдуллаевич номига берилган №1428-сонли гувоҳнома хужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КИТОБХОНЛИК

БУЗИЛГАН УЙ

Шаҳар маҳаллаларининг биридан ўтаётиб, бузилган уйга кўзимиз тушди. Ҳовли деворлари йўқ, эски иморатнинг олд томони кулаб тушган, хона тоқчаларида эски гулдон, сарғайиб кетган газета ва китоблар сочилиб ётарди.

— Э-э-э, анави томондаги китобларни қаранг, китобларни! — деди ҳамроҳим кулаб ётган пахса деворлар орасини кўрсатиб. Бировнинг бузилган уйи бўлса ҳам, қулаган пахсалар орасида гўё норасида гўдак сиқилиб қолгандек, ўша томонга югурдик.

Қарасак, пахса уюмлари орасида жуда кўп китоб тахланиб ётган экан. Бир-иккитасининг авайлаб чангини қоқиб, кўз югуртирдим. Утган асрнинг 50-60-йилларида чоп қилинган бадиий адабиётлар, таниқли ўзбек, тожик адабларининг асарлари экан.

— Хонадон эгалари нега китобларни бу қадар хор қилиб ташлаб кетишдикин? — бу жавобсиз саволни ўзим ўзимга бердим.

— Ҳозир ҳеч кимга китоб керак эмас, ҳамма тadbirkor бўлиб кетган, — деди ҳамроҳим. — Бу харобахонада китобларнинг хор бўлиб ётиши увол, ҳўп десангиз, ҳаммасини йиғиштириб олиб кетайлик...

Мен-ку, китобларни жон деб олиб кетмоқчиман, лекин бировнинг уйи, бировнинг мулки, боз устига, бизни кўрган кўшилар нима деб ўйлайди?

— Яхшиси, кўни-кўшнидан суриштириб, уйнинг эгасини топайлик, сўрамасдан олсак бўлмас, — дедим истихола қилиб.

Шундай хулоса билан ишхонага бордик. Таниқли журналист, ёзувчи Нормурод Каримзода деган ҳамкасбимиз бизни кутиб турган экан. Бузилган уйда эзилиб-босилиб ётган китобларга жоним ачиб, Каримзодага воқеани гапириб бердим. Нормурод ака бузилган уй қаердалигини суриштирди. Мен тушунтирдим.

— Бўлди, эсладим, — деди Каримзода. — У ҳовлида бир таниқли журналист, кўп йиллар давлат идораларида ишлаган киши яшаган. Автоҳалокатга учраб, вафот этган. Унинг номига қўйилган кўча ҳам бор. Ўғли бизнесмен, "дом"да туради.

— Ўғли бор бўлса, китобларни шунчалик хор қилмасдан, уйига олиб келса бўлмасмикан?

— Билмадим, ҳозир бировга ақл ўргатадиган замон эмас, — елкасини қисди Каримзода.

Анча вақтлардан кейин йўлим тушиб, яна ўша кўчадан ўтиб қолдим. Бузилган уй ўрнида икки қаватли мухташам уй қад ростлабди. Менинг кўз ўнгимда эса пахса уюмлари орасида бир-бирига қалашиб, хор бўлиб ётган китоблар гавдаланди. Янги иморат кўзимга жуда файзсиз, ночор бўлиб кўринди. Чунки унда китобни севган, уни умр бўйи асраб-авайлаб келган отанинг руҳи йўқ эди...

ОТАМ ОЛИБ БЕРГАН КИТОБЛАР

Отам ўтган асрнинг қаҳатчилиги йилларида ота-онадан эрта жудо бўлиб, турмушга чиққан опасининг қўлида қолди. 1937 йилда ҳарбий хизматга сафарбар қилинди. Отлиқ разведка қўшинларида хизмат қилиб, 1941 йилнинг бош-



ларида уйга қайтиб келди. Беш ойдан кейин иккинчи жаҳон уруши бошланиб, яна фронтга кетди.

Ризқли қул ўлмас, деганларидай, 1946 йил урушдан ногирон бўлиб қайтиб келиб, колхозда кўш хайдади, деҳқончилик қилди. 60-йилнинг ўрталари. Амир катта деган гўлабирдан келган миқтигина одам бўларди, ўша кишининг звеносида ишлардик. Ушанда мен ўн ёшларда эдим, уйда китоб кам, бори ҳам опаларнинг дарсликлари, уларни аллақачон ўқиб бўлганман. Бир куни Амир каттанинг эшаги хуржунда катта китобни кўриб қолдим. Аста олиб, муқовасига кўз югуртирдим. "Шарқ юлдузи" деб ёзилган экан.

— Ҳа, журнал ўқипсанми? — деди Амир катта тўсатдан тепамда пайдо бўлиб.

— Қўзикарли китоб экан...

— Ҳе, бу китоб эмас, журнал. Нима, колхозчи китоб ўқимайди, деб ўйлаганмидинг? — қулди Амир катта. — Хоҳласанг, ўқишга бериб тураман, кейин ўзимга қайтарасан...

Отам бизнинг суҳбатимизни сал нарироқда эшитиб турган экан, индамай кетмонини елкалаб кетди. Кунларнинг бирида мени шаҳардаги китоб дўконига олиб борди. "Бизга энг яхши ёзувчиларнинг китобларидан танлаб беринг", — деди у сотувчига. Хуллас, отам ўша куни колхоздан олган ойлигининг ҳаммасига китоб олиб берди. Опаларим билан талашиб-тортишиб китобларни битта қолдирмай ўқиб чиқдим. Мактаб кутубхонасидаги китобларни аллақачон ўқиб чиққанман, шунинг учун колхозда помидор терилса ёки узум узилса, бир челагини шаҳарга олиб бориб сотиб, пуliga дўкондан китоб олардим. Онам: "Қўп ўқийверма, миянг суялиб қолади", деб қўлимдан китобни тортиб олиб, яшириб қўярдилар. Ҳозиргача ушанда отам олиб берган китобларни авайлаб сақлайман.

ТАФАККУР УММОНИ

700 минг папирус ўрамларидан иборат қўлёзмалар мавжуд бўлган Александрия кутубхонаси дунёдаги энг бой маърифат маскани ҳисобланган. Миср подшоиси Птолемей 500 килограмм қумуш эвасига афиналикларнинг барча қадимий қўлёзмаларини ана шу кутубхона фондига сотиб олган. Александрияга келган денгизчи ва сайёҳлар ўзлари билан олиб келган барча китобларни кутубхонага сотишга ёки нусхасини беришга мажбур бўлишган.

Милоддан олдинги 336 йилда Македония ҳукмдори Филипп II Эронга қарши курашда ҳалок бўлади ва унинг ўғли — 20 ёшли Александр тахтга ўтириб, урушни давом эттиради. У сонсиз лашкари билан Эрон шоҳи Доро III ни асирга олади. У душман келишидан олдин Тахти Жамшиддаги бузоқ териларига оромий тилда ёзилиб, олтин суви юритилган "Авесто"ни Александрия кутубхонасига жўнатади ва жўнатиб улгурмаганини куйдириб ташлайди. Ки-чик Осиёдаги Пергам шаҳрида эрамиздан олдинги II асрда мол терисидан ёзув қогози тайёрлаш йўлга қўйилган ва у пергамент деб аталган. Александрия кутубхонасига пергаментга битилган қўлёзмалар жуда кўп миқдорда йиғилган.

Китоб — фазилат, китоб — тафаккур уммони, китоб — кўнгил қувончидир. Дунёда илм аҳли, қалам аҳли борлиги илм устуворлигидан, китобат дунёси бекиёслигидан далолат беради.

Маълумотларга қараганда Маҳмуд Кошгарий туркий халқларнинг олтин китоби бўлмиш "Девони луғотит турк"ни ёзишдан аввал 14 йил мобайнида Юқори Чиндан бошлаб бутун Мо-вароуннахр, Хоразм, Фарғона, Бухоро, ҳозирги Шимолий Афғонистонга қадар чўзилган туркий ўлкаларни кезиб чиқиб, турли шева ва лаҳжа хусусиятларини ўрганайди, уларни адабий тил билан чоғиштирди. 1072 йилда, 64 ёшида

давр тили, адабиёти, тиббиёти, тарихи, географияси, этнографияси, ҳунармандчилиги ва астрономияси ҳақидаги билимларни қамраб олган, халқ тақдири, инсон, маданият, ижтимоий адолат тўғрисидаги мушоҳадаларга йўғрилган асарни ёзишга киришади ва 1074 йилда якунлайди. Маҳмуд Кошгарий жамиятда юртни улғулаш, туркий халқларни бирлаштириш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш муҳимлигини таъкидлайди. Орадан минг йиллик тарих ўтган бўлса-да, бу бебаҳо мерос ўз оҳорини, долзарблигини йўқотган эмас. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКОнинг фан ва маданият бўйича халқаро ташкилоти Маҳмуд Кошгарийнинг 1000 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган эди.

XI аср ўрталарида йирик тасаввуфшунос олим Юсуф Хос Ҳожиб замон алломалари томонидан "Туркий шоҳнома" деб таъриф қилинган "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") — фалсафий-дидактик достонини яратди. Унда инсон камолоти, унинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурч ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос тарзда баён этилади.

Ал-Хоразмий, ал-Замашшарий, ал-Фарғоний, Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Кошгарий, Юсуф Хос Ҳожиб сингари улуг бобокалонларимиз ёзиб қолдирган асарлар, китоблар нафақат халқимизни, балки дунё халқларини тафаккур зиёсидан бахраманд этиб, жамият тараққиётига хизмат қилди, ҳамоно яна хизмат қилмоқда. Ахир бундай яхши китоблар тафаккурни чархлайди, гузалликка даъват қилади, кўнгилни кўтаради, инсонни маърифатли қилади.

КИТОБНИНГ ДАВРИ ЎТДИМИ?

Яхши китобнинг даври ҳеч қачон ўтмайди. Ёмон китоб унутилади. Бугун китобнинг ўрнини электрон китоблар эгаллапти, деймиз. Ёмон

китоб электрон шаклда бўлса ҳам уни ҳеч ким ўқимайди. Жамиятда китобнинг аҳамияти пасайган, деган гап қулоққа чалиниб қолади. Асло. Жамият маънавиятида китобнинг аҳамияти ҳеч қачон пасаймайди, у "Девони луғотит турк" каби фақат билимларнигина эмас, балки ахлоқий, маданий қадриятларни ўзида мужассам қилади ва авлодларни тарбиялайди. Фан-техника шиддат билан ривожланаётган даврда инсон тарбияси, билим ва салоҳиятини ўстириш яна китобга бориб тақалади. Тўғри, интернет олами кенгайиб бормоқда, лекин китоб мутолаа қилиш — бу бошқа нарсa. Унинг ўрнини ҳатто интернет ҳам босолмайди.

Китобга меҳр болаликдан, эртақлардан бошланади. Бунда ота-оналарнинг, мактабгача таълим муассасаларининг ўрни бекиёсдир. Улар болалар онгига китоб ва мутолаа маданиятини меҳр билан сингдириб боришлари лозим. Ўқитувчининг доимий меҳнат қуроли китоб-дафтардан иборат, деб ўйлайдиганлар хато қилади. Унинг ўтириш-туришидан тортиб ўзини қаерда, қандай тутиши ҳам атрофдагилари учун ўзига хос тарбиядир. Ўқитувчининг ўз касбига қай даражада меҳрли экани ўқувчиларнинг дарсни ўзлаштиришида, китобга, дарсликка муносабатида намоён бўлади. Тўғри, ҳозир мактабларда дарслар компьютер технологиялари асосида ташкил қилинапти, улардан фойдаланиш замон талаби, лекин китобга меҳр ўқитувчидан ўтади.

Ёшларнинг маданияти, интеллектуал салоҳияти, ижтимоий қарашлари ва ҳаёт ҳақидаги ўйлари ўтган аср ёшларига қараганда жуда баланд, улар кундалик ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хулоса чиқариб, тарихий жараёнлар иштирокисни сифатида ўсиб-ўлғаймоқда. Ақл-идрокли бундай ёшлар китобнинг қадрини билишади.

Ёшлар халқаро ўргимчак — интернетга маҳлиёлик иллатини ва китобнинг бекиёс ҳикматини, улар ўртасидаги фарқни англаб етсагина, китобнинг қадри ошади, китобга муносабат ўзгаради.

Интернет текин ва сийқа ахборотлар, ёлғон-яшиқ ва беҳаё рекламалар билан тўйинтирилган дунё чикиндихонасига айланиб бўлди. Мия тафаккур қилишдан кўра кўпроқ текинхўрликка ўрганди. Мағзава олди-қочдилар, фикрлашга ўрин қолдирмайдиган дунёқарашлар ҳаммаёқни ишғол қилди. Китоб ўқимай қўйган оломон интернет тили билан гапира бошлади. Бу оломон ҳамма жойда ўз дунёқарашини маъқуллашни хуш кўради, ўзидан бошқа ҳеч кимни тан олмайди.

Интернет тараққиёти барибир китобга бўлган муносабатни, унинг қадрини туширолмайди. Чунки ҳар қандай ахборот, ижод маҳсули, адабиёт босма манбалар асосида юзага келади. Яқин ва узоқ келажақда ҳам китоб руҳият офтоби, бизнинг энг яқин дўстимиз, маслаҳатдошимиз, кўмакчимиз бўлиб қолавереди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған таклифига кўра Анқара шаҳрида очилган, 4 миллион босма нашр ва 120 миллиондан зиёд электрон файлга эга бўлган маҳобатли халқ кутубхонасининг очилиш маросимида иштирок этганида: "Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда", — деган эди.

НУРУЛЛОХ ОСТОИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Biznesni Rivojlantirish Banki

9 may

Xotira va qadrlash kuni





www.brb.uz

 **1254**

Tezkor o'tkazmalar, ishonchli yechimlar

200 dan ortiq mamlakatlarda pul o'tkazishning kafolati va xavfsizligi. BRB banki orqali AQSh dollarlari, yevro va Rossiya rubllarida pul yuboring va oling.



Хизматлар лицензияланган.

НАСР

Киш совуқларини барчамиз яхши биламиз: сув юзларига, деразаларга бетақрор кумуш нақшлар чизиб қўяди. Муз-ку, майли, нақши нима экан, деймиз.

Сизга Худонинг икки бандаси — Абдураззоқ бува ҳамда Умриниса хола ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Аслида, ҳозиргина айтганим муз каби маҳзун ҳикоя, бироқ унда худди мен каби ажойиб нақшларни кўришингизга ишончим комил.

Орадан анча йиллар ўтди. У зотлар дийдорига, юз-кўзларига бир дам боқим, бисотимдаги яхши сўзларимни айтгим, “Сиз дунёдаги энг ажойиб инсонларсиз”, дегим келади. Афсуски, энди уларни кўришининг сира иложи йўқ.

Абдураззоқ ака ёши анчага бориб қолган, полвон киши эди. Қишлоқ болалари ҳар ерга бурнини тикиб кўришади. Бир-бирига тутташиб кетган томорқалар оралаб изгитанларимизда Абдураззоқ аканинг ҳовлисига кирганларимиз эсимда. Айвонининг ёғоч устунлари чатнаган, қаторлаштириб териб қўйилган қоллар йиртигидан тўкилган бир-икки кафт донни чўқитган чумчуқлар, сал яқин борсангиз, гур этиб кўкка кўтарилишарди.

Яна тўй-маросимларда, экинлари ўриб-текисланган, элга ош дамланган майдонда дуч келиб қолсак, қўшқўллаб кўришардик. Абдураззоқ аканинг кафтлари катта, дағал эди. Бироқ чехраси ич-ичидан нурланиб тургандай таассурот уйғотган. Тўй тугагач, хотин-халаж томонидан хотинининг чиқишини кутиб тургани, кейин икковлон биргаллашиб уйларига жўнашгани ҳам эсимда: бири полвон, бири миттигина хотин.

Умриниса хола кичик жуссали, оқиш гулли яшил қўйлак кийиб, бошига кўк дурра ўраб юрадиган хотин эди. Ҳовлисиди кир-чир ювганини, тандирга ўт ёққанларини эслайман.

Бизлар шу икковлоннинг юриш-туришига, турмушига жуда қизиқардик. Сабаби, Абдураззоқ ака Умриниса холани яхши кўради, еру кўкка ишонмайди, деган гап-сўзлар қулогимизга чалинган, бир-бирини яхши кўрадиган одамлар қанақа бўлиши, муҳаббат деган ғалати туйғу шу эр-хотиннинг хатти-ҳаракатларида қай тарз аксланиши ниҳоятда қизиқ эди-да.

Шу сабабли, гоҳида Абдураззоқ аканинг ҳовлиси кўринадиган катта тут устига чиқиб олиб мўралардик. Абдураззоқ ака мабодо шу тарафга қараб юриб қолса, ўтакамиз ёрилиб, шоша-пиша тўтдан тушиб тирақайлаб қочганларимиз ҳам ёдимда. Худди ниятимизни пайқаб, таъзиризмизни берадигандай туюлган.

Эл қатори оддий ҳовли. Бостирма тагида бир сигир. Валиида чўпсават. Тандири ҳам ҳамманики каби, тагида товуқ катаги бор. Каттак ичига бултурги кундалар, гўла парчалари тикиб ташланган. Гоҳида нон ёпар маҳали Умриниса хола бостирмадан гўзапар ташмаса, кап-катта одам турган жойидан: “Ўзим обораман, ташла!” деб бақирар, шоша-пиша у томон йўналар, хотини эса юз-кўзлари гул-гул яшнаб, гўзапояни оёқ остига ташлаб, эрининг етиб келишини кутиради.

Гўзапоя боғи енгил бўлади. Биздай ўсмирлар ҳам икки-учтасини бир қилиб кўтариб кетаверамиз. Абдураззоқ ака Умриниса холага нимага “Ташла” деганига ақлимиз етмай қараб турардик. Оқ яхтак кийиб, белбоғ ўраб олган бакувват Абдураззоқ ака етиб келиб, “Кўтарма демаганмиди?” дея беш-ўнта гўзапоя дастасини бир уюм қилиб обориб берар, буям майли, тандир оғзига боғ-моғи билан тикиб ўт ёқар, айвондан устига йўл-йўл дастурхон ёпилган, ичида зувалалар турган нонсаватни опкелики беради. Абдураззоқ ака нон ҳам ёпармикин дея кутардиг-у, нон ёпмас, аммо хотинининг қошидан кетавермас эди.

Қишлоқ катта, ҳамманинг уч-тўрттадан боласи бор, бу беозор жуфтга эса Худо фарзанд бермаган эди.

Яна қайдадир, қай бир даврада кишиларнинг: “Бечоралар, дунёдан тирноқсиз ўтишппти... Одамлар икковига ҳам: “Умр ўтиб кетади, бошқа рўзгор қилиб, бола-чақали бўлиб олинглар”, деб насихатлар қилишган, аммо булар бир-бирини ниҳоятда яхши кўришгани учун айрилиши исташмаган”, деганлари ҳам эсимда. Умриниса холадан ҳеч кимга ўхшамасган бир жозиба излаганимиз, Абдураззоқ ака бу хотиннинг нимасини яхши кўрар экан деб қизиқиб қараганларимиз ҳам бор гап.

Хуллас, шунақа эди Абдураззоқ аканинг рўзгори.

Қишлоқда ҳамманинг тутум-турмуши аён. Абдураззоқ ака дурадгор уста эди. Пойте-шаси, каттаю кичик болтаси, ўроқ-рандаси ёдимда. Умриниса хола эса уйда ўтирадиган хотин. Кузда, жола маҳалида, яъни пахта териб олинганидан сўнг улар ҳам эл қатори гўзапоя тўпплагани чиқишарди. Шундаям хотинини еру кўкка ишонмасди. Ўз кўзим билан кўрганман: гўзапояни ўроқ билан ўриб, уюм устига бир қулоч чилвирни ташлаб кетаверар, Умриниса холага қолган иш: уларни дасталаб бойлаш эди, холос. Шундан кейин Абдураззоқ ака у бойламларни ташиб бир жойга уяр, хотини эса уюм устида ўтириб, термосда чойи билан эрини кутарди.

Менинг кўзим ўткирроқмиди, ишқилиб, пешанасида тер йилтирганим Абдураззоқ аканинг Умриниса холага қарашлари бошқачалигини илганман. Болалар ҳам илгашганми, уларга



қараб: “Ана, қаради! Ана, нимадир деди! Яхши кўраман деб айтдимикин?” дея қулишарди.

Қизиклигининг сабаби шуки, элда хотинлар билан эрларнинг юмушлари орасида ниҳоятда қатъий, ўтиб бўлмас бир чегара бор. Масалан, эр киши ҳеч қачон ҳовли супурмайди, тандирга ўт ёқмайди. Абдураззоқ ака шу чегарани бузган одам бўлиб, пақирда ариқдан сув ташиганини, мол-ҳолга жодида поя кесганларини, катта қозон тагига ўт ёқиб, кирга сув иситганини ҳам кўришган. Булар Абдураззоқ аканинг обрўсини тўқадиган ҳолатлар эди, бироқ биров юрак ютиб бир нима дея оларимиди? Абдураззоқ аканинг гавдасига яраша зўғуми ҳам бор, у гавда, у қувват билан истаган кишисини чалпақ қилиб ташлайдиган ёввойи қудрат эгаси эди у.

Хотинини яхши кўрадиган эр! Ажаб... Бошқалар ўз жуфти ҳалолини яхши кўрмасмиди? Ёки бундай туйғуларни ошқор қилиш ор саналармиди? Неча марталаб гувоҳ бўлганмиз: эр-хотин қайгадир борар бўлишса, олdda эр, ортида хотини эргашар, хотин эрдан олдинга ўтиб кетмаслиги шарт, ўтса маломат қолишига бор гап. Қанчадан-қанча оилалар шу зайлда ҳаёт кечирар, хотин уй ишларига ўралашгани он эркак айвонда ёнбошлаб ётганини, хотин молни ечиб бошқа жойга боғламасчи бўлса, ҳайвон сузагани чоғланганини-ю, хотин чинқириб қочганини, эр шундагина ўрнидан кўзгалганини... шунга ўхшаш ҳолатларни кўра-кўра, умумий тартиб шу экан-да, деб катта бўлганмиз. Сир бўлмасин, яна бир гапниям айтай: ўзимизнинг ўғил бола бўлиб туғилганимиздан гердайишимиз-чи? Хотин эрдан паст туриши шарт! “Ўчир овозингни! Хотин киши бўла туриб мунча жаврайсан?” дегандай ўшқирешларни ҳам эшитганмиз.

Эркак ким? Хотин ким? Яхшилаб билиб олинглар! Эркак уйнинг кўриқчи-ҳимоячиси, у ризқ ташиб келади, айтган сўзи қулоқ қоқмай адо этилиши шарт! Хотин эрдан бир даража паст туриши керак! Ақлимиз етавермасди, у ҳолда, оналаримиз, амма-хопаларимиз-чи? Онамизни ҳам шундай кўришимиз керакми? Йўқ, она отадан паст тургани билан, иззати ҳар доим боланинг боши устида бўлади. Шу фарқларни унутманг, ота-онангиз қошида хорлик қанотингизни паст тутинг, улар қариб-қартайганида меҳр-шафқат билан муомалада бўлинг!

Қисқаси, қишлоқ ўз ҳолича яшарди-ю, бир Абдураззоқ ака ўзга эди, холос. Элликдан ошган барваста киши аёлини доим етаклаб юрарди. Бозорларда, маросимларда бирга юришганини кўрардингиз. Билмадим, уни кимдир маломат қилганими-йўқми... Маломат қилмаган десам хато бўлар... Қишлоқ бекорчилари орасида азбаройи кўнглихушлик учун бировни ҳазил-мазах қилиб ўтиришни хуш кўрадиган одамлар бор. Ҳар ҳолда, ҳавасланиб қарашмагани бор гап. Бу-ку, уларнинг нисбатан

ёшроқ пайтидаги гаплар, қартайишганида эса, ҳавасланганлар бўлгандир?

Йиллар ўтди. Тенгқурлар ҳар ёқларга сочилиб кетдик. Қизлар узатилиб, йигитлар уйланди, барчамизни бирлаштириб турган, ёшлик дейилган ажойиб қувват аста-секин беғубор самоларга кўтарилиб кетди.

Ўзим ҳам бир рўзгорнинг бошига келдим, ўғил-қизим туғилди. Отамни кўмдим, онам қартайди, амакиларим дунёдан ўтиб кетишди... Ҳар нарсанинг мағзига етиб борадиган бир паллага келдим деган маҳалим, бир куни қишлоққа борганимда, ўша эр-хотиннинг оламдан ўтганини эшитдим.

Бу қайғули хабар юрагимни зириллатди. Тавба, бировларни кўрсам, қулимсираб сўрашаман-у, ичим зим-зиё, чироқ ёқса ёришмайди. Ўша икковлонга ачинаман. Ахир улар менга қавму қариндош эмас эдилар. Бор-йўғи

лабди. Кишиларни аранг илғаб, излаганини — Умриниса холани топибди. Ҳеч кимга ҳеч нима демабди-ю, хотинига қараб, тили зўрга айланиб:

— Умри... — дебди. — Мен... кетиб қоламан, шекилли...

Тўпланганлар не деярини билишмасмиш. Абдураззоқ ака қийналиб нафас олармиш, нигоҳини Умриниса холадан узмасмиш. Ҳазонга юз тутган вужуд аро у нигоҳ шунақа нурафшон, шунақа тиниқ эмишки...

— Умри...

— Ҳа, отаси? — дебди Умриниса хола.

Қаранг! Худойим фарзанд бермаган шу жуфт... шу хотин... эрига “Отаси” дермиш!

Абдураззоқ ака эса қийналиб, бир дунё афсус, армон, ўқиниш ҳамда соғинч ила дебди:

— Ҳай аттанг... — жони қилнинг учида турибди-ю, шивирлабди: — Дунёга... тўйдим-у... сенга тўймадим...

— Жон отаси, ундай деманг, — деб ёлво-



хаёт дарахтида етилган икки меваси... Ҳар ишга қодир Парвардигорнинг икки бандаси...

Эл-юрт орасида меҳнати билан ҳамма қатори кун кечириб, дунёдан ўтган шу жуфт тақдир калбимга шунчалик таъсир қилдики!

Бир неча марта ўша армонли жумла қатидаги олам-олам мазмунларни ифодалашга уриниб кўрдим. Йўқ, афсус, қўлимдан келмади. Шарҳласам, шугина жумла ўзида мужассам этган қанчадан-қанча маънолар нурсизланиб-хиралашиб, тозалигу тиниқлиги йўқолаётгандай туюлаверди. Қай тарз изоҳласам ҳам, ўша жумла бағридаги инсоний туйғуларга ета олмадим.

Ниҳоят, шарҳлашни бас қилдим. Қандай айтилган бўлса шундай, бир ҳикоя қатига муҳрланиб қолаверсин, дедим.

Абдураззоқ ака ва Умриниса хола десалар, ҳаёлимга шу жумла келадиган бўлди: “Дунёга тўйдим-у, сенга тўймадим...”

Ер юзида сон-саноксиз жуфтлар, бири яхши, бири ёмон... ўз ҳолларича ҳаёт кечирмоқдалар. Эрлар ризқ ташиб келмоқда, хотинлар уй-рўзгорини саранжомлаб, эрини кутмоқда. Болалар ота келишига яқин йўнини бас қилиб, шоша-пиша уйларига чопишмоқда. Назаримда, дунёнинг энг мукаммал, энг ажойиб армони, инсонликнинг энг гўзал изҳори шу манзарага жо бўлиб қолгандай. Қачонки кўча-қўйда бир-бирига илжайиб қараётган, нима-нидир илинаётган, хавотир олаётган, қисқаси, бир-бирига меҳр кўрсатаётган эр-хотинларга кўзим тушса, абадийлик касб этган ўша икков ҳаёлимга келади. Қазои муғллақ уларни бир-биридан сира айирмаслигини истаб қоламан. Оламини тутиб турган меҳвар шу, унга зарар етмасин дейман. Эй, Худойи таолонинг ҳукму иродаси ила бир-бирига пайванд бўлган, оддийгина рўзгор бахти аро ҳаёт кечираётган инсонлар! Бир-бирингизга ҳар доим, ҳеч нимадан тортинмасдан шу гапни айтинг, ёрни ёрдан, дўстин дўстдан, онани ўғилдан, болани отадан айирадиган ажал этиб келгунча биргаликда бахтли-саодатли умр кечиринг, бир-бирингизнинг қадрингизга етинг, дегим келади.

Абдураззоқ ака билан Умриниса хола абадий саодат масканларида ҳам ёнма-ён юришгандай, назаримда. Мангулик диёрларида ҳам ўша ажойиб сўз, ўша меҳру муҳаббат калимаси янграётгандай туюлади:

“Дунёга тўйдим-у, сенга тўймадим...”

Ҳа, қиш қаҳратони музқоқларга бениҳоя ажойиб нақшларни нақшлаб қўяди. Ўзимиз билган муз, аммо нақшларига қарасангиз-чи! Тарам-тарам, учларида гуллари очилган, но-зик-нафис, бир-бирига сира ўхшамайдиган безаклар. Фасл наққоши ҳатто муз устига ҳам шундай нақшлар чизибди. Эрта бир кун баҳор қуёшида бари эриб, ғойиб бўлади, зилол сувларга айланиб, экин-тикин бағрига ҳаёт суви бўлиб сизиб қиради. Шунда эл-юрт орасида оддийгина ҳаёт кечириб дунёдан ўтиб кетган эр-хотин юрагининг туб-тубидан чиққан ўша калима янада ҳаётйорқ, янада мангуюроқ бўлиб жаранглашига ишончим комил. Ўртим кишиларининг юрак тубида шундай гўзал сўзлар борлигига, ўз вақт-соати билан яшаш мазмунларидан бири ўлароқ ёруғ оламга тўлиб-тошиб чиқишига ишонаман:

“Эй умримнинг махзани, ҳаётимнинг юлдузи, дунёга келиб топан йўғу борим, азизим менинг!

Ахир, сезаясанми? Дунёга тўйдим-у, сенга тўймадим...”

2017 йил 2-5 январь

ШЕЪРИЯТ



Муаллиф ҳақида: Раҳим НАЗАРМАТ ўғли — техника фанлари номзоди, қўллаб илмий мақолалар, бир нечта монографиялар муаллифи. Техника соҳасида ихтиролар муаллифи. “Умрининг тўрт фасли” шеърий тўплами чоп этилган.

ҚАЛАМ
(*Жангчи шоир Назармат (1917-2009) отамнинг хотирасига*)

Ижодкорлар аҳлининг бири Бўлғандилар раҳматли отам, Шоирлар бу — илҳом асири, Қўлларида қоғозу қалам.

Жанг қилган уруш фахрийси, Жангчи-шоир эди номлари. Улар ёзган асарлар бари — Юртимизнинг қаҳрамонлари.

Қаламлари қолди жавонда, Чала қолди ёзилмай шеърлар. Қоғозларга тушган сатрлар — Ҳаётлари, дардлари эди.

У мисқоллаб топилган бойлик, Йўқдир унда тошу тарози, У тарихдир — ижод маҳсули, Бир шоирнинг юрак овози.

Мерос қолди бизга китоблар, Ўқинамиз қўлларга олсак, Рухларини шод қилар эдик, Биз улардек яшасак ҳалол.

МОТАМСАРО ОНА
Оҳиста ташланар бу ерда қадам, Мотам майдони — муқаддас макон, Мотамсара она йиллар ўтдас ҳам, Ўғлини кутмоқда, бош эгиб ҳамон.

Юракни ўртаган дарду ғамлари, Оловга айланган машъала бўлиб, Ҳар куни тизилиб юрт фарзандлари Таъзим қилишмоқда пойига келиб.

Саксон йил бўлибди Жаҳон жангига, Мардона курашган ота-боболар, Зафар байроғини душман юртига Ўрнатиб Ватанга қайтишган улар.

Жанг-жадал бўлмагай, афсус, қурбонсиз, Жангтоҳдан қайтгану қайтмаганлар кўп. Ўғлини кузатиб, она уйқусиз, Қайтиб келишига бўлган умидвор.

Дунёда оғирроқ фарзанд доғидан Мусибат бормикан ортиқроқ яна? Айрилса пахлавон жигарбандидан, Мотамсара бўлар ҳар қандай она.

Қайдадир бўлапти ҳозир ҳам жанглар, Ўзга бир юртларда, бизлардан нари,

Ватанга қалқондир бизнинг ҳарбийлар, Ишонч-ла боряпмиз мақсадлар сари.

Оҳиста ташланар бу ерда қадам, Қитбога битилган жангчи номлари, Муҳрлаб ёзилган, ўчмас сира ҳам, Қалбимизда яшайди юрт ўғлонлари.

ОНАЖОНИМ, ҚАЛБИМДАСИЗ

Ухлаб ётсам, майин бир овоз Чақиргандек бўлади мени, Уйқум қочиб довдираб бир оз, Билолмамид туш таъбирини.

Эшикдаги осиклиқ парда, Тебрангандай туюлар менга, Гўё онам тонгги саҳарда Мени йўқлаб юрибди, нега?!

Ўттиз йилдан ошиб кетса ҳам, Қўлимда қолган бир садо, Сиз эркалаб дердингиз “болам”, Шундай сўзга бўлялман гадо.

Қалбимдаги хотира бўлиб, Аста ташлаб товушсиз қадам,

Раҳим НАЗАРМАТ

Келяписизми хавотир олиб? Тушларимга сиз кириб онам.

ДЎСТИМГА

Дўстинг бўлса, ҳақиқий бўлсин, Сохта эмас, қисқа муддатли, Ёниндамас, қалбингда бўлсин, Сендек бўлсин, у ҳам хиспатли.

Дўстинг бўлса, бўлсин у доно, Қалби бўлсин ойнадек тоза, Кўп бўлмасин, бўлсин бир дона, Дўстлашганлар олсин андоза.

Дўстинг бўлсин, сунячиқ бўлсин, Яхши бўлсин, ёмондан йироқ, Сен адашсанг, эй дўстим, десин, Ёмон йўлдан қилсин узокроқ.

Дўстинг бўлсин, бўлсин қадрдон, Ўқиганмас, уққандан бўлсин, Сен ўзингдек унга ишонгин, Эғизакдек туғишган бўлсин.

СИЙРАТ

Ҳақиқий инсон тирикчилигида қатор хайри, савоб ишларни қилиб, фақатгина ўз оиласи мушкулларининггина эмас, ўзи яшаётган жамият аъзоларининг ҳам дуосини олишни ўйлайди ва бажаради. Ақлли инсонлар шундай савоб ишлардан бирига қўл уриб, халқнинг узоғини яқинлаштирадиган, оғирини енгиллаштирадиган, турли катта-кичик сувлардан ўтишни осонлаштирувчи кўприклар солади, икки замин, икки халқнинг бир-бирига етишишини осонлаштиради, бирлаштиради. Кўприкларнинг эса тури кўп: бири ёғочдан, бири темирдан, бошқаси темир-бетондан... Сўздан, каломдан яралмиш кўприк эса таржимадир.

Айнан Мирзаали Акбаров ана шу таржималар ёрдамида турли узоқ-яқин халқларни бирлаштирувчи кўприкларини қуряпти, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар бўлган Олмония, Австрия, Швейцария адабиётлари билан бирлаштирадиган, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётига уйғунлашишга камарбаста бўладиган таржималар қилаётган ижодкорлардан биридир.

Мирзаали Акбаров ҳақида гапириш ҳам осон, ҳам қийин. Бир қарашда у — бир хокисор инсон. Бир қарашда эса, айниқса, немислардан чиққан машхур инсонлар ролини ўйнаганда ва уларнинг нутқиға тақлид қилиб олмонча гапирганда иктидорли актёрға айлиниб кетадиган шахс.

Мирзаали Акбаров ҳақида гапириш осонлиги — у ҳам ҳамма қатори одам боласи; кўпчилик ўқиганлар қаторида у ҳам олий маълумотли. Жамият аъзоси сифатида у ҳам оилали, ўзидан ҳам камтар ва мушфиқ жуфти ҳалоли бор; отасининг оғзидан чиқадиған сўзи у ёқда турсин, кош чимиришидан ота ниятини илғаб, у қутган нарсани мухайё қиладиган қобил ўғил-қизлари бор. Яхши-ёмон кунида ёнида турадиган сadoқатли дўстлари, қариндош-уруғлари бисёр одам.

Мирзаали Акбаров ҳақида гапириш қийинлиги — у оддий қуринса-да, анчагина мураккаб одам, жиддий фикрлайдиган, етти ўйлаб бир сўзлайдиган суҳбатдош; бўлажак касбини ҳам тўри, онгли танлаган мутахассис; чумолида меҳнаткаш таржимон. У турли касбларини қилиб кўрди, деҳқончилик қилди, ўқитувчилик ҳам. Журналист бўлиб, радиоада ишлади, бироқ у кўнган асосий ҳаётий-қасбий макон-манзили таржимачилик бўлди. Шу ҳунари билан у биз олмоншунос таржимонларнинг ўртамеънаси эмас, балки олдинги сафида туриб, ўз қалами кучини ҳеч қачон сўндирмайдиган моҳир сўз заргарига айланди. Шу сабаб талабаллик йилларида институтга ҳужжакўрсинга эмас, чин дилдан қатнаган, хорижий тилини жиддий танлаган талаба эди. Иктидорли таржимон деярли ҳар икки-уч ойда биттадан катта-кичик таржима асарларини китобхонлар ҳукмиға тақдим этмоқда. Мирзаалининг бу ижодий ҳаракати ва маъоратини илғаган чет эллик таржимон ҳамкасб ва дўстлари уни эътироф қилиб, Австр

рия, Швейцария ва Германия таржимонлар уйларига чорлаб, унга моддий ва маънавий ёрдам беришмоқда. Айнан шу чет эллик ҳомий ташкилотлар ёрдамида йигирма йиллаб ижараларда, тор бир хонали хонадонларда яшаб ижод қилган дўстимиз бугун ўз оиласи тирикчилиги-ю орзу-ҳавасларини ҳавас қилса бўладиган даражада рўёбға чиқармоқда, мамлакатимизнинг адабий жамоатчилиғи эътирофи-ю эътиборига мушарраф бўлмоқда.


Мирзаалидаги касбға фидойилик ва меҳнатқашлиқнинг илдизи касбни тўғри танлаганида, шу асосда билимдон ва омадли инсонларға ҳасад эмас, ҳавас билан қарашда деб

кечинмаларини миллати ва тили бошқа китобхонға етказиш осон эмас. Ўзбек воқелигида ҳам Ҳарри каби шахслар ва ҳатто ижодкорлар минглаб топилади. Ўзи... одам боласи ҳаммага ёқиш учун ҳаракат қилиши шартми? Ижодда бу популизмға бориб тақалмайдими? Ўзини англамоқ ва ўз фикриёти билан ҳам жамиятға хизмат қилиш мумкин-ку! Ҳарри тоифали китобхон қўлиға тушган таржима унга нажот ва муаммолар ечимини беради, албатта, агар у асардан тўғри хулоса чиқарса. (Бинобарин, асарни ўқиб, ундан мазмуниниға тушуниб, маънони англай олмайдиган китобхонлар барча миллатларда кўп. Масалан, Гётенинг “Ёш Вертернинг изти

биявий аҳамиятға эға бўлган асар.

Таржимоннинг яна бир ибратли томони — ўзи таржима қилаётган асарлар сўзлиғи материалида фақатгина тайёр лўғатлардангина фойдаланиб эмас, ўзи бошқа лўғатларға ўқшамайдиган янгиға талқинли “немисча-ўзбекча лўғат” яратганини ҳам айтишимиз керак.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизмикан: таржимонлар ўз таржимасини нашоға беришдан олдин уни аслият ва таржима тилини яхши биладиган, тажрибали, шу соҳани ўқитиб юрган мутахассислар кўригидан ҳам бир ўтказиб олишса, нур устиға нур бўларди. Юқоридаги мақтовлар билан бирға таржимон укамизға



кухен” бўлиб ўтган. Айтинг-чи, ўзбеклар шу сўзни қандай тушунсин? Кўпчилик, ҳатто таржимоннинг ўзи ҳам бу сўзнинг ўзбекча муқобилини таржимада қўлламаган. Асар қаҳрамони бололиқдан ширин ва мазали таомларни еявериб, дўмбиллаб семириб кетган шахс ва унинг лақаби “Штопфкухен” бўлган. Аммо ўзбек воқелигида ҳам бўғирсоқ, пирожка, гумма, мазали ҳолвалар каби турли пишириқларни еб тўймайдиган болалар ва ёшлар кўп-ку! Баднафс катталар ҳам бисёр... Тилимизда уларнинг Бўғирсоқ, Ебтўймак, Бақалоқ, Мечкай, Тоннабой каби ўзбекча муқобил атамалари ҳам бор. Ана шу атамалардан бири ўзбекча сарлавҳаға қўйилса, асардаги бош қаҳрамон образи китобхон кўз олдида ёрқин гавдаланган бўларди. Ёки олмонча сўздан кейин қавс ичида ўзбекча таржимаси ёки изоҳи берилса, асардан кўзланган мақсад дарров аён бўларди-қоларди. Бу — тақлиф, албатта.

Мухтасар сўзим охирида сизларға Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошида 2024 йилда янги ижодий бўлим — “Таржимашунослик ва лўғатшунослик илмий-амалий маркази” ташкил этилганини маълум қилишдан бахтиёрман. Шу марказда янги таржима журнали сифатида “Ўзбек адабиёти олмон тилида” номли амалий таржима нашри ташкил этилди. Унда тизимли равишда миллий адабиётимиз асарларидан парча ва намуналарни қуйидаги тўрт рунқда эълон қилиб бориш кўзда тутилган: ўзбек халқ оғзаки ижоди; ўзбек мумтоз адабиёти; XX аср ўзбек адабиёти; истиқлол даври ўзбек адабиёти. Журнал Олмонийда чоп этилади ва олмонзабон мамлакатлардаги ўзбек адабиётига қизиқувчиларға тарқатилади. Шубҳасиз, адабиётимизға Мирзаали Акбаровдай билимли, меҳнаткаш ва фидойи таржимонлар керак, албатта. Шу кунларда култур 70 ёшини қарши олган Мирзаалихон ҳамкасбимизға энг эзгу тилақларни тилаймиз.

Хуррам РАХИМОВ,
Германиядаги Олмон-Ўзбек илмий
жамияти раиси,
ЎзДЖТУ Таржимашунослик ва лўғатшунослик
илмий-амалий маркази раҳбари,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
таржимон.

СОҒИНЧ

Халқимизда “Йўқолган пичоқнинг сопи олтин” деган гап бор. Пичоқ-ку, кундалик эҳтиёжларимизда ишлатиладиган жонсиз бир буюм. Унинг ўрнини бошқаси билан тўлдириш имкони бор. Агар яқин дўстингиздан айрилсангиз-чи? Афсуски, унинг ўрнини бошқаси билан тўлдириш имкони бўлмас экан. Айниқса, у жон каби яқин, самимий, садоқатли, яхши-ёмон кунларингизда ёнингизда елкадош бўлиб турадиган бағри кенг инсон бўлса...



ДЎСТ ЁДИ

Узоқ йиллик қадрдонимиз, самимий дўст Арслон (Абдувосит Обидов) ҳам дўстлари учун жонини фидо қилишға тайёр инсонлар сирасига кирарди. Давраларни гуллатадиган, таниш-нотанишға ҳам қўлидан келган ёрдами аямайдиган, яхши-ёмон кунларда қамишдан бел боғлаб дўстлари ёнида камарбаста бўладиган ҳақиқий дўст-қадрдон эди.

Оилапарвар, невараларнинг севаимли бобоси — Абдувосит Обидов Павел Беньков номидаги рассомчилик билим юрти (ҳозирги Павел Беньков номидаги республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг битирган мусаввир, “Ўзбек-телефильм” студиясида режиссёр ассистенти сифатида меҳнат қилган санъатсевар фидойи инсон сифатида ҳам ардоқли киши эди. Зеро,

санъатта ошурта қалбнинг бағри кенг бўлади. Кўнглида одамларға эзгулик улашиш, уларнинг дарди билан яшаш хислатлари мавж уриши бежиз эмас. Абдувосит Обидов “Қисмат”, “Силсила”, “Ҳикмат чироғи”, “Эрка ўғил” ва бошқа бир қанча бадий фильм ва сериалларда яратган қатор образлари билан ҳам ёдимизда қолди. Инсоннинг танаси Ер юзидан йўқлиққа сингиб кетиши мумкин, аммо унинг ёди, қилган яхши амаллари қалбимизда бир умр яшаб, сиймоси кўз олдимизда мангуга муҳрланиб қолади. Ҳаётда яшашдан мақсад ҳам, умр мазмуни ҳам ана шундан иборат эмасми?!

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

МУЛОҲАЗА

МАКТАБЛАР КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ(МИ?)

Ёвузлик таг-томири билан юлиб ташланмаса, у томир отиб, бошқа ердан кўкариб чиқаверади. Жамиятнинг жирканч илллати бўлган коррупция ҳам шундай.

...Бу воқеа ёз фаслининг охириларида рўй берганди. Бу нохуш хотирани унутай дейман-у, ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Биз билган покиза, тоза манзилларни ҳам ўргимчак тўридек порачурилик, таъмағирлик қоплаётганига ишонгим келмайди. Аслида, улғаяётган авлодға таълим-тарбия бергувчи даргоҳ маънавият ва маърифат ўчоғи бўлмоғи керак. Аммо...

Яшаш манзилимизни ўзгартирганимиз сабабли фарзандларимизни янги ҳудуддаги мактабға ўтказмоқчи бўлиб, мактаб директори ҳузуриға бордик. Кўринишидан жиддий ва босиқ раҳбардан: “Олдин фарзандларингизни олиб келинг, гаплашиб кўрайлик”, деган жавобини олдик. Негадир бизға у my.gov.uz ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда my.maktab.uz электрон қабуллари ҳақида эслатмади ҳам.

Мактабдан мактабға ўтказишда суҳбат бўлишини биринчи марта эшитиб турсак-да, директорнинг кўрсатмаси билан болаларни мактабға етаклаб келдик. У болалар билан бирма-бир савол-жавоб қила бошлади. Ҳаяжонланган болаларнинг жавобларидан қоникмаган муассаса раҳбари норози қиёфада бизға юзланди. — Фарзандларингизнинг билими унчалик яхши эмас, — деди у, сўнгра қўшиб қўйди: — Уларға яна бир имкон бераман. Иккинчи синов ўқитувчилар гуруҳидан иборат комиссия иштирокида бўлади.

Бундай муносабатни қандай тушуниш мумкин? Мактаб биз яшайдиган ҳудудда жойлашган ва, қолаверса, бирор фанни чуқур ўзлаштиришға ихтисослашмаган



бўлса. Бу болаларнинг устидан мазак қилишми? Ёки бу ўрта таълим мактабининг ўз “қонун-қоидалари” борми?

Тушунарсиз ҳолатға изоҳ қидириб, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ишонч телефонларига сим қоқдим. Сабр билан, икки соатлик кутишдан кейин қисқа гулоқларини эшитилди. Қанчалик зориқиб кутсак-да, улар билан боғланишнинг иложи бўлмади.

Халқ таълими вазирининг 2015 йилдаги “Ўқувчиларни синфдан-синфға ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг “Ўқувчиларни синфдан-синфға ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғ

рисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгатиришлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатни ўрганиб чиқиб, мактабдан мактабға ўтказишда ўқувчиларнинг комиссия олдида синовдан ўтказилиб, мактабға қабул қилиниши ҳақида бирор жумлани тополмадим.

Хуллас, мазкур мактабда ишим юришмагандан сўнг, Сергелидаги махсус фанларни ўқитишға ихтисослашган мактабға my.maktab.uz электрон сайти орқали фарзандларимнинг ҳужжатларини жўнатдим. Электрон қабулхонадан мазкур мактабнинг синфларида бўш ўринлар йўқлиғи ҳақида жавоб олдим. Ушбу мактабнинг бартариблги, ўқитувчиларининг билими кучлилиғи ҳақида кўп эшитгандим. Таваккал қилиб, мактабға бордим. Директор опанинг жамоат ишлари билан

бандлигини айтишди. Раҳбарни тополмагач, шу ердаги ходимлар билан суҳбатладим. Ниятимни эшитган, ҳушўрлиғина жувон мени чеккаға тортиди:

— Опа, мен билан гаплашаверинг, раҳбариятни нима қиласиз? Улар ҳам мендан ҳам ҳақ сўрашмайди. Ҳар болага 400 доллар бўлади. Икки нафар болангиз бўлса, 350 дан атиги 700 доллар-да.

Парадоксни қаранг! Айнан шу мактабға my.maktab.uz қабул сайтидан “айни пайтда мактабда бўш ўринлар йўқ” деган хабар келиб турса-ю, шу мактаб ходимлари келишилган пулга ўқувчиларни қабул қилмоқчи! Унда электрон қабуллар нимаға керак? Ундан кўра ҳар бир мактабнинг қабул нарх-наволарини эълон қилишсин!

Мактаб бошланишиға саноқли кунлар қолган. Менға ушбу ихтисослашган мактабдан кетма-кет телефон кўнгирақлари келади. “Тезроқ келинг, жойлар қопмаяпти...” Ҳазрат Алишер Навоийнинг “...Кимки таъмаи риштаси қилгуси, анинг била бўғзидан осилгуси” деган ҳикматларини эслаб, бу иллатға шерик бўлишдан тийилдим.

Президентимиз 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға қилган Мурожаатномасида “Жамиятимизда коррупция илллати узининг турли кўринишлари билан тараққиётимизға ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”, деганида таълим соҳаси ҳам назарда тутилгани рост. Зеро, ўқув даргоҳларимиз ҳавас қиладиган ҳалол ва мусавффо манзиллар бўлиб қолиши керак.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатта олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишмаган нарҳда

Адади: 4 359
Буюртма — Г-544

1 2 3 4 5 6

Тошпирилиш вақти — 21⁰⁰
Тошпирилди — 21³⁰

Тахририятта келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.